

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимоя қилишга рухсат бераман”
Тарих факультети декани
_____ доц.С.Ғозиев
“ _____ ” _____ 2011 й.

5140600-тарих йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун
“Сомонийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсати” мавзусида
бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарувчи: Маматкулова Саодат

Илмий раҳбар: ўқ.Ҳамроев Ғ

Илмий маслаҳатчи: т.ф.н.доц.А.Пардаев

Ишни ҳимояга тавсия этаман:

Ҳамроев Ғ

БМИ “Ўзбекистон тарихи” йиғилиши қарори
билан (Қарор №13 28.05.2011 й) ҳимояга тавсия
этилган.

Кафедра мудири:

т.ф.н.доц.А.Пардаев

Жиззах – 2011

Мавзу: Сомонийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсати

Р е ж а:

Кириш

- а)мавзунинг долзарблиги;
- б)мавзунинг ўрганилиш даражаси ва манбалари;

I-Боб: IX асрда Моварауннахр ва Хуросондаги сиёсий вазият. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши

- 1.1.IX асрда Моварауунахр ва Хуросондаги сиёсий вазият
- 1.2.Моварауннахр ва Хуросонда Сомонийлар давлатининг ташкил топиши

II-Боб.Сомонийлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ташқи сиёсат

- 2.1.Сомонийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик ҳаёти
- 2.2.Сомонийлар даврида давлат бошқаруви ва ер эгалиги тизими
- 2.3.Сомонийлар давлатининг хорижий давлатлар билан ташқи сиёсати ва савдо алоқалари

III-Боб: “Сомонийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсати” мавзусининг ўқитилиши ва дарснинг янги педагогик технологияда олиб борилиши

- 3.1.Мавзунинг 1-соатлик дарс ишланмаси.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мундарижа

Кириш

Тарих инсоният ҳаётининг шаклланиши, тараққий этиб бориши ва келажак учун зарурий эҳтиёжларни яратишга асос бўлиб хизмат қилиши билан биргаликда ўтмиш аجدодларимизнинг босиб ўтган турмуш тарзини ҳалоллик, ҳаққонийлик ҳамда танқидий руҳда таҳлил қилишни ҳам ўз зиммасига юклайди¹.

Тарихни ўрганиш, тарихий воқеаларни келажак авлодга ҳаққоний очиб бериш ҳақида мухтарам Президентимиз Ислом Каримов ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида қуйидаги фикрларни билдирган: “Эл юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунни унутган миллатни келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган.”

Шу нуқтаи назардан Сомонийлар даври тарихи бевосита араб халифалигининг Ўрта Осиё ҳудудини босиб олиб, бу ҳудудда араб тили, араб ёзуви, араб урф-одатлари жорий қилиниши сиёсатиға қарши мустақил давлатнинг шаклланиши билан боғлиқ воқеаларни очиб беради.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, Сомонийлар давлати араб халифалиги истибдодидан сўнг мустақилликни қўлга киритган Мовароуннаҳр тарихи ҳисобланади. Ушбу битирув малакавий ишида мустақил Сомонийлар давлатининг ташкил топиши, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати манбалар асосида таҳлил қилинган. Асосий ёзма манба сифатида Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи”дан фойдаланилди. Бундан ташқари Республикаимизнинг қатор тарихчи профессор олимларининг Сомонийлар даври тарихига оид монография ва илмий асарларидан

¹ Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т., “Шарк”, 1998, 3-бет.

фойдаланилди.

Исмоил Сомоний ўрта асрларнинг қобилятли, серғайрат ва ниҳоятда зукко давлат арбоби эди. У Мовароуннахрни бирлаштиргач, марказлашган мустаҳкам давлатни тузишга интилади. У ўз ватанида барқарор тинчликни таъминлаб, уни мустаҳкамлашда ҳукмронлик қобилятининг ҳамма нозик хусусиятларини ишга солади. Аввало катта қўшин тўплаб, кўчманчилар даштига аскар тортади. 893 йилда Тароз шаҳрини фатҳ этиб, даштликларга қақшаткич зарба беради. Бу сомонийлар даврида кўчманчиларга қарши қилинган охирги катта юриш бўлди. Натижада даштлик қабилаларнинг Мовароуннахр вилоятларига бўлган узлуксиз босқинлари барҳам топиб, ўтроқ аҳоли эндиликда воҳалар атрофи бўйлаб юзлаб километрга чўзилган мудофаа деворлари-ю, сон-саноксиз қалъаларни бино қилиш ва уларни муттасил таъмирлаб туришдек оғир ва машаққатли меҳнатдан, ташвидан фориғ бўлади. Худди шу даврдан бошлаб, 300 км дан ошиқроқ масофада Бухоро воҳасининг гирдини ўраб турган қадимий мудофаа иншооти «Кампирак» деворининг ҳар йилги одатий ҳашари ҳам тўхтатилиб, у қаровсиз қолдирилган. Наршахийнинг ёзишича, Амир Исмоил ўзининг кучли қўшинларини назарда тутиб, «Токи мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан», деб айтган экан².

Мовароуннахр аҳолисининг мустақилликка эришиб, бу диёрда Сомонийлар давлатининг тобора кучайиб бориши шубҳасиз шарқий вилоятлардан муттасил ўндирилиб олинадиган катта бойликлардан маҳрум бўлган Араб халифалигини, бир томондан, ниҳоятда ранжитса, иккинчи томондан, чўчитар ҳам эди. Шу боисдан халифалик саффорийлар билан сомонийларни тўқнаштиришга ва бу ёш икки давлатнинг ҳар иккисини заифлаштириб, бой вилоятларда маълум даражада ўз таъсирини қайта тиклашга ҳаракат қилади. 900 йилда улар ўртасида бошланиб кетган уруш Исмоилнинг ғалабаси билан тугайди. Бутун Хуросон сомонийлар қўл остига

² Аҳмадали Асқаров. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”.Т., “Университет”, 2007, 139-бет.

ўтади. Ноиложликдан халифа Исмоилнинг бундай ўлкан давлатини тан олишга, унга ҳукмдорлик ёрлиғини юборишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, IX аср охирларида Мовароуннаҳр Араб халифалиги истибдодидан абадий халос бўлади. Исмоил Сомоний бутун Мовароуннаҳрни ўз қўли остида кучли бир давлат қилиб бирлаштиради, Хуросонда ташкил топган Саффорийлар давлатига барҳам беради ва уни ўз давлатига қўшиб олади. Натижада пойтахти Бухоро шаҳри бўлган замонасининг энг йирик мустақил ўрта асрлар давлати ташкил топади. Бу давлатни сомонийлар хонадонидан булган ҳукмдорлар — амирлар X аср охирларигача идора қиладилар.

I-Боб: IX асрда Мовароуннахр ва Хуросондаги сиёсий вазият.

Сомонийлар давлатининг ташкил топиши

1.1.IX асрда Мовароуннахр ва Хуросондаги сиёсий вазият

IX асрда Ўрта Осиё ҳудудида ҳали ҳам араблар ҳукмронлиги давом этарди. Аммо эрк ва ҳурлик сингари олийжаноб тарихий анъаналарга содик бўлган авлод-аждодларимиз араб босқинчиларига қарши курашни бир дақиқа бўлсада тўхтатмадилар ва мустақил марказлашган давлат барпо қилишга интилдилар. Бу ҳаракат араб истилочиларини ҳар доим таҳлика ва кўрқув остида сақлаб турди. Улар жойлардаги, ҳатто ўзларидан чиққан ҳукмдорларга ҳам шубҳа билан қарар ва ишонмас эдилар.

Ҳолид ибн Бармоқ — Бармоқийлар мисолида буни кўриб ишонч ҳосил қиламиз. Бармоқийлар Хуросон ва Мовароуннахрни идора қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Уларнинг таъсири марказий араб халифалигида ҳам кучли бўлган. Аббосийлар ҳукмронлик қилган даврда қарийб эллик йил мобайнида давлатни идора қилишнинг маъсул лавозимлари Балхдан чиққан бармоқийларнинг қўлида бўлган. Аббосийлар бундай маъсулиятли лавозимларни бармоқийлар қўлига беришга мажбур бўлсаларда, бироқ уларнинг фаоллашиб бораётганлигидан кўрқар эдилар. 786-809-йилларда халифалик қилган Хорун Ар-Рашиднинг бармоқийлар хонадонига қақшатқич зарба берганлигини шу маънода тушунса бўлади. У ҳатто ўзига яқин бўлган кишлоклар аҳолисини ҳам қириб ташлаган³. Ҳокимият тепасига бармоқийлар ўрнига Тоҳирийлар келади. Тоҳирийлар Хуросоннинг йирик оксуяк ер эгаларидан бўлиб, бу сулоланинг асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн эди. Бу сулола асли Ҳирот вилоятининг Бўшанг шаҳридан эди. Тоҳир 809-813-йилларда Хорун ар-Рашиднинг ўғиллари Маъмун билан Амин ўртасидаги бўлган курашда Маъмун томонида бўлди, унга Боғдодни ва халифалик тахтини эгаллашда ёрдам берди.

³ Баҳодир Эшов. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи”. Т., “Маърифат”, 2009, 118-бет.

Маъмун 813-йилда халифалик тахтига ўтиргач, Тоҳир ибн Ҳусайн катта хурмат ва эътиборга лойиқ нуфузли киши бўлиб қолди. 821-йилда у Хуросоннинг ноибни этиб тайинланди. Мовароуннаҳр ҳам Хуросон ноиблиги таркибига кирарди. Унинг қароргоҳи Нишопурда эди. Тоҳир ўз қўл остидаги кенг вилоятларни мустақил давлатга айлантириш учун очикдан очик ҳаракат қилди. У ноибликка тайинланган кундан бир йил ўтар-ўтмас, жоме масжидида жума намозида ўқиладиган хутбадан халифа номини чиқариб ташлашга буйруқ берди. Бу ўша давр учун халифага қарши кўтаришган исён билан тенг эди. Бу воқеадан кўп вақт ўтмай Тоҳир ибн Ҳусайн тўсатдан вафот этди. Шундан кейин Тоҳирнинг ҳар бир қадами кузатиб юрган халифа уни заҳарлаб ўлдирган деган гап тарқалди. Халифа бундай майда-чуйда гапларга асос қолдирмаслик мақсадида Хуросон ноиблиги тахтига Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғиллари Талха ва Абўлаббос Абдуллоҳни навбат билан қўйди ва Тоҳирийлар наслий сулоласига асос солди. Абўлаббос Абдуллоҳ ноиблиги даврида (830-844) халифага расман қарам — вассал бўлса-да, амалда мустақил давлатга айланиб, пойтахтни Марвдан Нишопурга кўчирди. Бунинг энг асосий сабабчиси халифалик ҳукмронлигини хавф остида қолдирган ва тез-тез кўтарилиб турадиган халқ қўзғолонлари эди. Ана шундай қўзғолонлардан бири 806-йилда бўлганди. Халифаликни зирқиратган бу қўзғолон Насаф, Бухоро, Усрушона, Шош, Хоразм ва бошқа ҳудудларни қамраб олди. Қўзғолонга исёнкор араб лашкарбошиси Рофе ибн Лайс бошчилик қилди. Қўзғолон Муқанна анъаналарини давом эттирди. Бу ҳаракат, айниқса, Шош шаҳрида кучли тус олди. Чунки бу ерда VIII асрнинг 80-йилларида енгилган Муқанна мухлислари кўпроқ яширинган эдилар. Қўзғолонни ҳар галгидек турклар яна қўллаб-қувватладилар. Қўзғолончилар Самарқандни эгалладилар. Халифа Маъмун бу ҳаракатнинг халифат учун ўта хавфли эканлигидан ташвишда эди ва уни бостириш учун турли воситаларни ишга солди. Ниҳоят қўзғолон 810-йилда бостирилди. Уни бостиришда Сомон ибн Асад фаол қатнашди. Бу ишда Сомонхудоғнинг набиралари — Асаднинг ўғиллари Нух, Аҳмад, Яҳё ва Илёслар катта ҳисса қўшдилар. Улар аслида

Балх вилоятининг Сомон қишлоғи оқсоқоли Сомонхудодиннинг авлодлари бўлганлар. Сомон ибн Асад ва фарзандлари хизматлари эвазига халифа Маъмун Нух ибн Асадни Самарқандга, Аҳмад ибн Асадни Фарғонага, Яҳёни Шош ва Уструшонага, Илёсни Ҳиротга ноиб этиб тайинлади. Бу воқеа 819-821-йилларда рўй беради. Ана шу тариқа Мовароуннаҳрда Сомонийлар сулоласи қарор топди. Албатта бу ерда Тохирнинг Сомон ибн Асад ўғилларини яхши билганлиги ва уларга хайрихоҳлиги ҳам катта рол ўйнаган. Сомон ҳали Марвда ноиб бўлиб турган пайтида Тохир ибн Ҳусайн ва халифа Маъмуннинг диққатини ўзига тортган эди. Сомон Маъмуннинг таъсирида оташпарастлик динидан чиқиб, ислом динини қабул қилган⁴.

Аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда ака-ука Сомонийларнинг, хусусан Аҳмад ибн Асаднинг аҳволи оғирлашиб қолади. Фарғона ва Уструшонада халифаликка қарши қўзғолон кўтарилиб, Аҳмад ўз ноиблигини ташлаб кетади. Қўзғолонни Тохирнинг ўғли Талха бостиргач Аҳмад Фарғонага қайтади ва бу ерда узоқ вақт ҳокимлик қилади. Нух Самарқандда 819-820-йилдан 841-842-йилгача, Аҳмад Фарғонада 819-820-йилдан 864-865-йилгача, Яҳё Шош ва Уструшонада 819-820-йилдан 855-856-йилгача ноиблик қиладилар⁵. Ноиблик алоҳида хизматлари учун инъом — мукофот тариқасида берилган. Мансаб билан бир қаторда фойдаланиш учун ер-мулклар ҳам ҳадя қилинган. Сомонийлар иккинчи даражали ноиблар бўлганликларидан уларга мис тангалар (фалсалар), тоҳирийларга эса айни замонда кумуш тангалар (дирҳам) зарб қилишга ҳам рухсат берилган. Сомонийларга инъом қилинган ерларнинг нақадар бой бўлганлигини IX асрдаги машҳур араб географи Ибн Ҳурдодбекнинг вилоятларнинг солиқ миқдори тўғрисидаги маълумотларидан билсак ҳам бўлади. Унинг ёзишича, бутун Суғд ҳудуди халифалик хазинасига тоҳирийлар орқали 326 минг муҳаммадий дирҳамдан тўлаб турган. Фарғона Аҳмад ибн Асад орқали 280 минг, Яҳё ибн Асад орқали Шош — 607 минг, Уструшона — 50 минг дирҳамдан тўлаган. Иқтисодий

⁴ Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 260-бет.

⁵ Аҳмадали Аскарров. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”. Т., “Университет”, 2007, 142-бет.

юксалиш ҳарбий қудратни ҳам белгилаган. Мовароуннаҳрда 600 минг суворий ва пиёда қўшин бўлган. Ҳозирги Ўзбекистоннинг шимолий чегараларига яқин вилоятларда асосан кўчманчи турк қабилалари яшаганлар. Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида уларнинг шаҳарлари кўп бўлган. Кўчманчи туркий қабилалар Мовароуннаҳр воҳаларида суғдийлар, фарғоналиклар, хоразмликлар ва бошқалар билан бирга умумий ҳаёт кечирандилар.

IX асрнинг биринчи ярмидан эътиборан туркий-ўғузлар Мовароуннаҳрнинг ўтроқ ва маданий ҳаёт кечираётган воҳаси халқларига ҳужумлар уюштириб, уларни тез-тез безовта қила бошлаганлар. Шу боисдан ҳам Абдулла ибн Тохир X асрнинг 30-йилларида турк-ўғузлардан ҳимояланиш учун Фаробод (Қизил Арвотга яқин) ва Доҳистон (Машҳади Мисриён)да мустаҳкам равоатлар қурдирган, ҳатто ўз ўғли Тохирни қўшинга бош қилиб, турк-ўғузларга қарши жанг қилиш учун урушга юборган. Бундай истехком деворлари Бухорода (Кампир девор номи билан ҳозиргача машҳур), Самарқандда (Қиёмат девор деб аталади) ва бошқа жойларда ҳам қурилган. Кўчманчи турк қабилалари IX асрнинг биринчи ярмида Яҳё ибн Асад ҳокимлик қилувчи Шош (Чош)га тез-тез ҳужумлар уюштирганлар. Яҳёнинг илтимосига биноан ва унинг иштирокида акаси Нух ибн Асад 840-йилда Исфижобнинг турк ҳокимига қарши юриш қилди ва тарихий ғалабага эришди. У Исфижобда ўлкан ва мустаҳкам мудофаа девори қурдирган. Нух ибн Асад 841-йилда вафот этди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Самарқанд вилоятини бир вақтлар ака-ука Аҳмад ва Яҳё биргаликда идора қилганлар. 855-йилда Аҳмаднинг ўғли Наср ибн Аҳмад Самарқанд ноиблигига тайинланади. Бу ҳол Мовароуннаҳрда Аҳмад ибн Асад нуфузининг ошувига олиб келади. 856-йилда Яҳё ҳам вафот этди. Аҳмад энди Шош ва Уструшона ноиблигини ҳам ўз қўлига олади ва бу вилоятларни ўғли Ёқуб ибн Аҳмадга беради.

VIII асрнинг охири — IX асрнинг бошида халифаликни ларзага келтирган оғир сиёсий вазият Аббосийларни Мовароуннаҳр ва Хуросонда

олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. Эндиликда улар шарқий вилоятларни бошқаришда давлат ишларига маҳаллий зодагонларни жалб этиш ва уларнинг қўли билан бу вилоятларни халифалик тасарруфида тутиб туришга ҳаракат қиладилар. Натижа Аббосийлар кўзлагандек бўлиб чиқмади. Маҳаллий зодагонлар Мовароуннаҳр ва Хуросонни аста-секин ўз тасарруфларига олибгина қолмай, халифалик марказида ҳам ҳокимиятни бошқаришда тобора кўпроқ иштирок эта бошладилар. Бунга айниқса, халифа Хорун ар-Рашид (786—809) вафотидан сўнг унинг ўғиллари Маъмун билан Амин ўртасида 809-813 йилларда тахт учун бўлган кураш катта йўл очиб беради.

Маъмун узок йиллар мобайнида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиби бўлиб, маҳаллий зодагонлар билан жуда яқинлашиб кетган эди. Араблар халифалик тахтига Аминни кўтарадилар. Ҳирот вилоятининг зодагонларидан бўшанжлик Тоҳир ибн Ҳусайн бошлиқ Хуросон ва Мовароуннаҳр мулкдорлари Маъмунга ёрдам берадилар. 813 йилда улар Боғдодга юриш қилиб, уни қўлга киритдилар. Маъмун халифалик тахтига ўтқазилади. Тоҳир ибн Ҳусайнга Боғдодда юксак лавозимлар берилади. Маъмун эса Сомонхудотнинг набираларини Мовароуннаҳрнинг муҳим шаҳар ва вилоятларига ноиб қилиб тайинлади. Нухга Самарқанд, Аҳмадга Фарғона, Яҳёга Шош ва Уструшона, Илёсга эса Ҳирот вилоятлари тегади. Бунинг эвазига ака-ука Сомонийлар Мовароуннаҳрнинг ҳар йилги хирожидан жуда катта маблағни Тоҳирийлар орқали халифа хазинасига юбориб турганлар⁶.

821 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиби этиб тайинланади. У халифаликдан мустақил бўлишга ҳаракат қиладди. Хутбадан халифа номи чиқариб ташланади. Бироқ кўп вақт ўтмай Тоҳир ибн Ҳусайн тўсатдан вафот этади. Хуросон ва Мовароуннаҳр бошқаруви Тоҳирийлар хонадонига мерос бўлиб қолади. Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғли Абул Аббос Абдуллох ноиблиги (830-844) даврида маъмурий марказ

⁶ Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. “Ватан тарихи”. 1-қисм. Т., “Шарк”, 2010, 311-бет.

Марвдан Нишопур шаҳрига кўчирилади.

Тоҳирийлар даврида Сомонхудот авлодлари Мовароуннаҳр шаҳарларида маҳаллий ноиб эдилар. Тоҳирийлар уларни ўзларига тобе деб билганлар. Хуросон ва Мовароуннаҳрда Араб халифалигининг бир асрдан ортиқ давом этган бевосита ҳукмронлиги тугаб, икки маҳаллий сулола сиёсий жиҳатдан қарор топди ва мустақил давлат шаклланди. Тоҳирийлар ва Сомонийлар исломни ўз тасарруфидаги вилоятларда арабларга нисбатан анча муваффақият билан тарқатдилар. Давлатнинг ташқи чегаралари мустаҳкамланди⁷.

Тоҳирийлар расман ўзларини халифага тобе деб кўрсатсалар ҳам, амалда мутлақо мустақил иш юритадилар. Улар даставвал сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ва қишлоқ хўжалигини тартибга солишга ҳаракат қиладилар. Деҳқончилик воҳаларининг сув таъминотини яхшилаш учун янги каналлар қазилди. Халифа Муътасим (833-842) ҳам халифаликнинг энг чеккасида жойлашган Шош (Тошкент) ёнида катта ариқ қазिशга 2 млн. дирҳам ажратади. Абул Аббос Абдуллоҳнинг топшириғи Хуросоннинг билимдон фикҳшунослари деҳқончиликда сув манбаларидан фойдаланиш тартиблари, сув тақсимооти қоидалари ҳақида рисола ёзиб маъмурларга тақдим этдилар. Бу рисола икки аср мобайнида сувдан фойдаланувчилар ўртасида дастуруламал бўлиб хизмат қилди⁸. Тоҳирийлар давлат бошқаруви, фуқароларига муносабат ва айниқса солиқ тартибларига алоҳида аҳамият берди. Шубҳасиз, бу билан меҳнат аҳлинигина эмас, балки умумдавлат манфаатлари кўзда тутилган. Тоҳирийлар замонида ҳам меҳнат аҳли мулкдор деҳқонларнинг жабр-зулмидан, оғир солиқларидан безор бўлиб, мамлакатда тез-тез қўзғолон кўтариб турарди. Қўзғолонларда «ғозийлар» фаоллик кўрсатардилар. Улар кўчманчилар ҳужумини даф этиб туриш мақсадида, асосан, камбағал ҳунарманд ва ерсиз зироатчилардан тузилган кўнгилли лашкар эди. IX асрнинг 60-йилларида Хуросонда ғозийлар фаоллигида халқ

⁷ Баҳодир Эшов. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи”. Т., “Маърифат”, 2009, 125-бет.

⁸ Р.Ҳ.Муртазаева. “Ўзбекистон тарихи”. Т., “ЎАЖБНТ”, 2003, 375-бет.

кўзғолони авж олиб кетади. 873 йилда Тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилиб, янги *Саффорийлар давлати* ташкил топади. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришдан сўнг Мовароуннахр Хуросондан ажралиб ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлди.

1.2.Моварауннахр ва Хуросонда Сомонийлар давлатининг ташкил топиши

Сомонийлар давлатига Сомон қишлоғи (Балх яқинида, баъзи манбаларда эса, Термиз яқинида) оқсоқоли Сомонхудоунинг авлодлари асос солган. Халифа Маъмунга бўлган садоқатлари эвазига 819-820 йилларда Сомонхудоунинг набиралари Нух Самарқандга, Аҳмад Фарғонага, Яҳё Шош ва Уструшонага, Илёс Ҳиротга ҳоким этиб тайинландилар.

839-840 йилларда Нух ибн Асад Исфижоб вилоятини босиб олди ва уни мустаҳкамлади. У Суғднинг бир қисми ва Фарғонага ҳоким бўлиб олди. Лекин Сомонийлар давлатини бунёд этишда Аҳмаднинг ҳиссаси кўпроқ бўлди. Унинг Наср, Яъқуб, Яҳё, Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Ҳомид исмли ўғиллари бор эди. Нух ибн Асад 842 йили вафот этгач, Самарқандни укалари Аҳмад ва Яҳё бошқарди, кейин ҳокимлик Наср (865-892) қўлига ўтди. 859-йилда Яҳё ибн Асад вафот этгач, Шош ва Уструшона Аҳмаднинг иккинчи ўғли Яъқубга насиб этди. Кейин ташаббус Исмоил ибн Аҳмад қўлига ўтди. Бухорода Тоҳирийлар мавқеи суст эди. 874-йилда Ҳусайн ибн Тоҳир Хоразм шаҳарларини талаётган бир пайтда Бухоро зодагонлари илтимоси билан Наср Бухорога Исмоил ибн Аҳмад (849-892) ни ҳоким қилиб жўнатади⁹.

Наср Мовароуннахрда марказлашган давлат тузишга киришди. Халқ бу ишда унга хайрхоҳ эди. 875-йилда у Шош (Туркистон яқинида)ни қўлга киритди. Халифа Муътаиддан Мовароуннахрни бошқариш учун ёрлик олишга муваффақ бўлди. Бу пайтда Бухорода кучайиб кетган Исмоил акасига тобе бўлишни истамади. 888-йили икки ўртадаги жангда Наср енгилди. 892-йилда Наср вафот этгач, Исмоил Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди (892-907). 893-йилда у Тарозни, сўнг Уструшонани қўлга киритди.

Мустаҳкамланиб бораётган Сомонийлар давлатини заифлаштириш мақсадида Араб халифаси 898 йилда Мовароуннахр ҳокимлигидан Исмоилни тушириб унинг ўрнига саффорийлар сулоласидан Амр ибн Лайсни ҳоким этиб тайинлаш ҳақида ёрлик жўнатади. Исмоил 899 ва 900-йиллардаги

⁹ Карим Шониезов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 200-бет

харбий тўқнашувларда Амр ибн Лайс бошлиқ саффорийлар қўшинларини тор-мор келтирди. Халифа Исмоил ибн Аҳмадни ҳоким сифатида тан олишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Хоразм, Исфижоб, Чағониён ва Хутталондан ташқари (уларнинг ҳокимлари сомонийларга тобе эдилар), ўлка ҳудуд (Мовароуннаҳр, ва Хуросон) сомонийлар томонидан бўйсундирилган эди. Улар бу ерда 100 йилча ҳукмронлик қилдилар.

Исмоил Сомоний ўз даврининг йирик ва ақлли давлат арбобларидан бўлган. У йирик ва марказлашган давлат барпо қилишдан манфаатдор бўлган барча оқсуяк амалдорларни ўз атрофига тўплайди. Уларнинг ёрдами билан Исмоил шундай бир қудратли марказлашган давлат барпо қиладики, бу давлат ўша вақтда Шарқда шуҳрат топади. Исмоил Сомоний даврида Мовароуннаҳр Араб халифалигининг истибдодидан абадул-абад озод бўлди. Аммо бир қарашда қудратли бўлиб кўринган бу давлатни ичдан емираётган бир қатор ижтимоий зиддиятлар бор эдики, буни ҳатто Исмоил Сомоний ҳам бартараф эта олмади. Бу марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги қарама-қаршилик эди. Сомонийлар ҳар қанча уринсаларда, Сежистон, Ғузғон, Ғазна, Гаржистон, Исфижоб, Хоразм ҳозирги Тожикистоннинг тоғли вилоятлари: Чағониён ва Раштани ўзларига батамом бўйсундира олмадилар. Бу вилоятларнинг ҳокимлари марказий ҳокимиятни расман тан олсалар-да, амалда мустақил сиёсат юргизардилар. Сомонийлар даврида қўшинда етакчи мавқени турк саркардалари ва ғуломлари эгаллаган эдилар. Уларга ҳамма вақт ҳам ишониб бўлмасди¹⁰.

Исмоилдан сўнг унинг ворислари даврида сомонийлар сулоласи инқироз сари юзланди. Исмоилнинг ўғли Аҳмад ҳукмронлиги (907-914) даврида араб тили яна давлат тилига айлантирилди, араб тилини билган шахсларнинг мансаб ва мартабалари оширилди. Ҳолбуки, Исмоил Сомоний даврида бу нарса йўқ эди. Албатта, бу сарой амалдорларининг, биринчи навбатда, турклардан иборат ҳарбий оқсуякларнинг норозиликсини оширди.

¹⁰ Аҳмадали Асқаров. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”.Т., “Университет”, 2007, 149-бет

Шу боис Аҳмаднинг турк ғуломлари томонидан ўлдирилиши тасодиф эмасдир. Аҳмад ўлдирилгач тахтга унинг саккиз ёшли ўғли Наср II (914-943) ўтказилди. Унинг ҳукмронлиги даврида Бухорода Регистон майдонида девонлар учун сарой қурдиради. Давлат бошқарувида эса Наср II даврида амалий ишни вазир Абуабдулло Муҳаммад ибн Аҳмад Жайхоний олиб борди. Ҳали Аҳмад ибн Исмоил ҳаётлик чоғидаёқ бир қатор вилоятларда халқ оммасининг қўзғолонлари бўлганлиги қайд қилинган. Аҳмаднинг ўлдирилиши муносабати билан бундай ҳаракатлар янада авж олган. Аҳмад ҳаётлик чоғида Исмоилнинг укаси Исҳоқ ибн Аҳмад Самарқандда қўзғолон кўтаради. Бу қўзғолон шафқатизлик билан бостирилади. Аҳмад Рай ва Сеистонда кўтарилган исёнларни ҳам шафқатсизларча бостирди.

IX асрдан бошлаб Мовароуннахрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош (Тошкент) ва Уструшона вилоятларида Сомонийлар хонадонининг вакиллари ноиб эди. Юртга аввал Нух, сўнгра Аҳмад бошчилик қилади. Улар ҳатто ўз номларидан мисдан чақалар зарб этадилар. Аҳмад вафотидан (865) кейин унинг ўғли Наср I (865-892-йилда Самарқанд ҳокими; 875-йили Мовароуннахр амири) Самарқандни марказга айлантиради. Бухоро воҳаси, Нахшаб (Қашқадарё), Чағонруд (Сурхондарё) водийларидан ташқари Мовароуннахрнинг барча вилоятларини бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўради. Тоҳирийлар давлатининг барҳам топиши билан мустақил бўлиш учун қулай шароит пайдо бўлади. Чунки саффорийлар Мовароуннахрга ҳукмронлик қилишни урдасидан чиқа олмайдилар. Бухоро зодагонларининг илтимосига биноан, Самарқанд ҳукмдори Наср ибн Аҳмад Бухорога ноиб қилиб укаси Исмоилни (874) юборади (*Исмоил Сомоний*). Шундай қилиб, IX асрнинг охириги чорагида Мовароуннахр Сомонийлар тасарруфига ўтган¹¹.

Сомонийларнинг тобора кучайиб бориши Араб халифалигини хавотирга солган. Шу боисдан халифа Саффорийлар билан Сомонийларни

¹¹ Р.Ҳ.Муртазаева. “Ўзбекистон тарихи”. Т., “ЎАЖБНТ”, 2003, 380-бет.

тўқнаштириб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўз таъсирини қайта тиклашга ҳаракат қилади. Натижада 900-йилда улар ўртасида бошланиб кетган уруш Исмоилнинг ғалабаси билан тугайди. Бутун Хуросон Сомонийлар қўл остига ўтади. Халифа Исмоилга ҳукмдорлик ёрлиғини юборишга мажбур бўлади.

Сомонийлар ўз тасарруфидаги ўлкан мамлакатни бошқаришда даставвал ихчам давлат маъмуриятини ташкил этдилар. Маъмурият подшо саройи ва девонлар (марказий ҳокимият)дан иборат эди. Наршахийнинг маълумоти бўйича, Сомонийлар ҳокимияти, асосан, унга девон бошқарувида идора этиларди. Улар орасида вазир девони бош бошқарув маҳкамаси бўлиб, давлатнинг маъмурий, сиёсий ва ҳўжалик тартиботи унинг бевосита назорати остида тутиб туриларди. Барча девон бошлиқлари вазирга тобе эди.

Наср II ибн Аҳмад (914-943) даврида Бухоронинг Регистон майдонида 943-йил Дор улмулк саройи (вазирлар маҳкамаси) ва унинг қаршисида девонлар учун маҳсус сарой қурилган. Маҳкама хизматчилари араб ва форс тилларини пухта эгаллаган, Қуръон тафсири ва шариатнинг асосий қоидаларини яхши биладиган, турли фанлардан етарлича хабардор бўлган саводли аслзодалардан танлаб олинган. Вилоят девонлари маҳаллий ҳокимга, айни вақтда марказий маҳкаманинг тегишли девонига бўйсунарди. Вилоят ҳокимлари баъзан вазир деб юритиларди. Улар сулолавий хонадонга тегишли амирзодалар ёки собиқ маҳаллий ҳукмдорлар ҳамда зодагон дехқонлардан тайин этиларди. Бўлардан ташқари ҳар бир шаҳарда раис (шаҳар бошлиғи) ҳамда мухтасиб (назоратчи) бўларди. Уларни ҳокимнинг ўзи маҳаллий аслзода ёки кўпинча олий табақа руҳонийларнинг нуфузли вакилларидан тайинлар эди. Мансабдорлар маошига давлат йиллик даромадининг деярли ярми сарфланарди¹².

Мовароуннаҳрда ислом руҳонийларининг обрўси ошиб, пойтахт Бухоро Шарқда ислом динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Шаҳарларда кўплаб ибодатхоналар, жумладан жоме масжид, хонақоҳ

¹² Баҳодир Эшов. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи”. Т., “Маърифат”, 2009, 110-бет.

(ғарибхона)лар бино қилинди. Худди шу даврда мусулмон Шарқидаги илк мадрасалардан бири (Форжак) Бухоро шаҳрида қад кўтарди. Мадраса шаҳарнинг Дарвозаи Мансур маҳалласида амир ҳаммомининг ёнида жойлашган эди.

Мамлакат маънавий ҳаётининг таянчи бўлган ислом мафкурасига бу даврда «устод» - дин ва илм пешволари раҳнамолик қиларди. Кейинчалик бу атама тарк этилиб, дин пешволари ва ислом уламоларининг раҳнамоси «шайхулислом» деб янада улуғланди. Шайхулисломдан кейин хатиблар турарди. Сомонийлар ислом мафкурасининг ривожига катта аҳамият беради. Масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуриш учун махсус жойлар ва уларнинг сарф-ҳаражати учун катта-катта мулклар ажратилиб берилади. Натижада диний муассасалар тасарруфидаги ер-мулклар тобора кўпайиб, янги турдаги хўжалик - вақф таркиб топади. Масалан, Наршахийнинг ёзишича, Исмоил Сомоний Афшона кишлоғининг экин ерлари ва атрофидаги яйловларни Бухоро мадрасасининг талабаларига вақф қилиб беради, шунингдек амир Регистон майдонига туташган Даштак қамишзорини мулкдор араб лашкарбошисидан 10 минг дирҳамга сотиб олиб, Бухоро шаҳрининг жоме масжиди вақфига кўшиб беради. Шу тариқа масжид ва мадрасалар тасарруфида катта-катта ер ва мулклар тўплана бори.

Сомонийлар мамлакатни ташқи ва ички душман хуружларидан муҳофаза қилишга катта эътибор берадилар. Хусусан, Исмоил Сомоний яхши қурулланган ҳарбий қўшин ва турк ғуломларидан махсус сарой қўшинини тузади. Турк ғуломининг ҳарбий хизмати қатъий белгиланган тартибда ўтар эди. Энг қобилиятли ва узоқ йиллар хизмат қилган айрим ғуломлар айлбоши (отлиқ отряд бошлиғи), сўнгра эса нуфузли ҳожиб лавозимларига кўтариладди¹³. Ҳожиблар бошлиғи ҳожиб ул-ҳужоб ёки ҳожиб ул бузрук Сомонийлар саройида олий унвон эди. Ҳожиб ул-ҳужоб саройда катта нуфузга эга бўлиб, айнаи вақтда у бутун турк қўшинининг бошлиғи эди. Қўшиндан ташқари озод меҳнат аҳлидан тузилган мунтазам ҳарбий қўшин

¹³ Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. “Ватан тарихи”. 1-қисм. Т., “Шарқ”, 2010, 320-бет.

хам бўлиб, унинг таъминоти билан махсус маҳкама - ариз девони шуғулланар эди. Қўшинларга хизмат ҳақи ҳар уч ойда тўланар эди. Сомонийлар ҳокимиятни қадимги давлат бошқаруви анъаналарига суяниб бошқарди.

Сомонийлар давридаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий кўтарилиш маданий ҳаётнинг равнақига имкон берди. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Гурганж, Марв ва Нишопур каби шаҳарлар илмий ва маданий марказ сифатида тараққий қила бошлайди¹⁴.

Бу даврда қишлоқ аҳолисининг аксарияти суғдий, туркий ёки хоразмийча сўзлашса-да, марказий шаҳарларда форсий-дарий адабий тили вужудга келади. Бу тил давлат тили сифатида қабул қилинади. Форсий-дарийда назм, наср ва илмий асарлар ёзила бошлайди.

IX-X асрларда, айниқса, Бухоро шаҳри маданий жиҳатдан юксалади. Пойтахтда амир саройида турли соҳаларга оид кўлёзма китоблар сақланадиган каттагина кутубхона барпо этилади. Бу даврда Бухорода айниқса шеърят равнақ топади. Унинг ривожига Рудакий (860— 941), Абу Мансур Дақикий (976-980 ораси), Абулҳасан Балхий ва бошқалар шоирлар катта ҳисса қўшадилар.

Шаҳар маданиятининг равнақи, зиёлилар даврасининг кенгайиб бориши, шубҳасиз, Сомоний ҳукмдорларни илм аҳли билан яқинлаштирди. Мамлакатни бошқаришда уларнинг билим ва маслаҳатларидан фойдаланилди.

Бу даврда Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Наршахий, Беруний каби жаҳон фани тараққиётига ўлкан ҳисса қўшган буюк сиймолар ижод қилдилар.

¹⁴ Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 265-бет

II-Боб.Сомонийлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ташқи сиёсат

2.1.Сомонийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик ҳаёти

Сомонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда Мовароуннаҳр, Ҳуросон ва Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг кўпгина соҳалари ривожланган эди. Сомонийлар давлати аҳолисининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

Деҳқончилик солиғи (хирож)дан ҳазинага каттагина даромад тушгани учун Сомонийлар ҳўжаликнинг шу тармоғига кўпроқ, эътибор берган. Вилоятларда сув тақсимооти тартибга солиниб, экин майдонлари имкони борича кенгайтирилган. Бир қанча янги суғориш канали қазилиб, уларнинг даҳаналарига мифтоҳлар (шлюз) ва сув ташлагич новалар қурилди. Оқар сув танқис бўлган тоғ олдиларида бандлар бино қилиниб, сув омборлари барпо этилади. Ер ости сувларидан деҳқончиликда фойдаланиш учун мураккаб гидротехника иншооти - коризлар қазилиб ишга туширилади. Чархпаррак чигирлардан кенг фойдаланилади.

X аср араб географларининг таърифлашича, Самарқанд ва Бухоро рустоклари Зарафшон дарёсидан чиқарилган шоҳ ариқлардан суғорилган. Масалан, Варқсар, Маймурғ, Санжарфагон ва Дарғом рустокларининг деҳқончилик майдонлари Дарғом анҳоридан суғорилган. Фай каналидан суғорилган ерлар Суғднинг энг обод қисми бўлган. Ибн Хавқалнинг ёзишича, Суғд дарёси Бухоро чегарасигача обод қишлоқлар орқали оққан. Бухоро воҳаси кенг ва обод бўлган, у 17 та суғориш шоҳ ариқлар орқали суғорилган. Сирдарё ҳавзасида Илоқ (Оҳангарон) ва Парак (Чирчиқ) водийлари ҳам ниҳоятда обод ва истеҳкомли қишлоқлари кўп бўлганлигидан, бу жойни ўрта аср тарихчилари «1000 қалъали мамлакат» деб атаганлар.

Суғориш тармоқларини лойқадан тозалаш, турли ҳил сув иншоотларини таъмирлаш учун ҳар йили баҳорда юз минглаб ҳашарчилар ишлаган. Мироб, жуйбон ва пойкорлар ёз бўйи гидротехника иншоотлари

режими ва сув тақсимотини назорат қилиб турган. IX асрдан Бухоро воҳасининг сув тақсимоти билан шахсан шаҳар қозисининг ўзи шуғулланган. Наршахийнинг ёзишича, Саъид ибн Халаф Балхий Бухорога қози бўлгач, «яхши конун-қоидалар ўрнатган... токи кучли киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун (шаҳар) тўғонларини курдириб, Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни» жорий этган¹⁵.

IX-X асрларда Мовароуннаҳрда яйлов чорвачилиги ривож топган. Кўчманчи чорвадор қабилалар ўтроқ аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъмин этиб турган. Ўтроқ аҳоли, ўз навбатида, даштликларга ҳунармандчилик маҳсулотларини етказиб бериб турганлар.

IX-X асрларда аҳолининг ҳўжалик ҳаётида ҳунармандчилик катта ўрин тутди. Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларида тўқимачилик, кулолчилик, дегрезлик, чилангарлик, мисгарлик, заргарлик, шишагарлик ва дурадгорлик анча ривож топади. Айни вақтда шаҳарларнинг меъморий қиёфаси ҳам ўзгара борди. Маҳобатли сарой, масжид, мадраса, намозгоҳ, хонақоҳ ва қарвонсаройлар ҳамда устахоналар қад кўтарди. Шаҳарлар кенгайиб илк ўрта асрларда вужудга келган арк (ўрда), шахристон (ички шаҳар) ва рабод (ташқи шаҳар) ягона девор билан ўраб олинди, шаҳар дарвозаларининг сони ҳам кўпайди. Шаҳарнинг дўнглик ерида жойлашган аркида одатдагидек подшоҳ ёки ҳоқимнинг қароргоҳи (даргоҳ), хазина, чақа-тангалар сўқиладиган зарбхона ва қамоқхона бўларди. Шаҳар марказида Регистон майдони, девонлар, маҳкама саройи, шунингдек амирзодалар, сарой аъёнлари, руҳонийлар, мулкдор деҳқонзодалар ва давлатманд савдогарларнинг ҳашаматли қасрлари, подшоликнинг қурол-яроғ, асбоб, эгар-жабдук ясайдиган устахоналари, ҳунармандчилик дўконлари ва савдо расталари жойлашган эди. Шаҳарлар кенгайиб, уларнинг гирди бўйлаб косиб ва ҳунармандларнинг янги-янги маҳалла-қуйлари, бозор ва расталар вужудга келади. Маҳалла-қуйларда заргар, сарроф, тўқувчи, кулол, мисгар, темирчи, дурадгор ва бошқа ҳунармандларнинг уй-жойлари ва дўконлари бўларди.

¹⁵ Аҳмадали Асқаров. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”.Т., “Университет”, 2007, 158-бет

Айни шу даврда Бухоро, Самарқанд, Кўхна Гурганж, Марв, Бинкат, Кеш, Насаф, Ах-сикат каби шаҳарлар ўрта аср ҳунармандчилигининг ривож топган йирик марказига айланади.

Наршахийнинг ёзишича, IX асрда Бухоро арки ёнида подшоликка қарашли «Байт ут-тироз» катта тўқимачилик корхонаси бўлган. Унда қимматбаҳо рангли мато, палос, дарпарда, ёстиқ жилди, жойнамоз ва уст кийимликлар тўқилган. Самарқандда кўпроқ, мисгарлик заргарлик ва саррожлик ривожланган эди. Турли матолар, кимхоб, шойи ва румоллар тўқилар, юқори навли қоғоз ишлаб чиқарилар эди. Шош ўзининг кунчилик маҳсулотлари ва чарм буюмлари билан, Илоқ эса кумуш ва қўрғошин конлари ҳамда кумуш танга чиқарадиган зарбхонаси билан машҳур эди. Мовароуннахрнинг хўжалик ҳаётида Хоразм ҳам катта роль ўйнайди. Бу ерда ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари қаторида қайиқсозлик тараққий қилади. Хоразм ва Термизда ясалган қайиқларда Амударё бўйлаб муттасил юк ташилган.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг айрим соҳалари йирик қишлоқларда ҳам ривож топди. Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқилган «занданача» малла ранг бўз, Самарқанднинг Вадор қишлоғида тайёрланган «вадорий» матоси Шарқда машҳур ва манзур эди¹⁶.

IX-X асрларга оид кулолчилик сирланган идишлари ва шишасозлик буюмлари билан алоҳида мавқени эгаллаган. Бу даврда тоғли минтақаларда кончилик ҳам жадал ривожланди. Шош вилояти, Фарғона водийси, Нурота, Уструшона, Хўжанд атрофлари ва Зарафшон тоғларида темир, мис, қўрғошин, олтин, кумуш рудалари, феруза ва бошқа қимматбаҳо тошлар, Бадахшондан лаъл ва ложувард қазиб олинарди. Илоқ вилояти кумуш ва қўрғошин олинадиган йирик марказлардан эди. Ундаги Қорамозор тоғидан бу икки тур маъдандан ташқари олтин, мис, темир рудалари ва феруза қазиб олинарди. Фарғона водийси тоғларидан темир, қўрғошин, кумуш, симоб, мис, қалай, феруза, новшадил қазиб чиқариларди. Фарғонада ўша

¹⁶ Карим Шониёзов. «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни». Т., «Шарқ», 2001, 266-бет

вақтлардаёқ тошкўмир ва нефт казиб олиниб ишлатилганлиги маълум. Нефтдан камал қилинган шаҳарга ўт олишда фойдаланилган. Кончилик ва темирчилик давлат тасарруфида бўлган. Кон казиш ишлари ўз замонаси учун анча такомиллашган эди. Қазилма бойликлар ҳозиргидек очиқ усулда ҳамда ер ости конларидан казиб олинарди. Қазилган рудалар ер остидан сихғалтаклар воситасида юқорига чиқарилган. Конларда, асосан қул, маҳбус ва қишлоқ, жамоалари зўрлик билан ишлатиларди. Кончиларнинг меҳнати ниҳоятда машаққатли ва хавфли бўлганлигини археологик топилмалар (қорачироғ, болта, чўкич ва ҳоказо)дан билиш мумкин.

Сомонийлар даврида (IX—X) ислом динини қабул қилганлар Мовароуннаҳр худудида, унинг водий ва воҳаларига келиб яшайверганлар. Сомонийларнинг ҳарбий қисмларида, маъмурий лавозимларида турклардан қанчалари хизмат қилганлар. Мовароуннаҳрга Сирдарёнинг қуйи оқимидаги чўллардан, Шарқий Туркистондан ва Ёттисувдан жуда кўп туркий қуллар олиб келинган. Бўларнинг сони кўпайиб Мовароуннаҳр аҳолисининг талабидан бир мунча ошиб кетган. Туркий қуллар бошқа мамлакатларга савдога чиқарилган. Туркий қуллар (ўзининг ақл идроки яхши хизмати билан) ер юзидаги бошқа қуллардан устун турганлиги Истахрий асарида қайд қилинган.

Суғдиёна ўлкасининг тараққий этишида унинг географик жиҳатдан қулай ўрнашган жойи ҳам бениҳоят катта аҳамиятга эга эди. Зарафшон воҳасидаги йирик шаҳар ва қишлоқлар катта тижорат йўлида — Буюк ипак йўлида жойлашганлигидан бу ўлка аҳолиси бир қанча мамлакатлар, халқлар ва элатлар билан савдо-сотик ва маданий алоқалар олиб бориш имкониятига эга эди. Бу муҳим алоқа йўли орқали Мовароуннаҳрга турли мамлакат ва ўлкалардан хилма-хил товарлар келтирилган, ўлкадан ҳам четга деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган. Суғдиёнани ўтроқ аҳолисининг (суғдийлар) маълум қисми тижорат билан шуғулланиб қарвон билан Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа Олд Осиё мамлакатларига, Ёттисув ва Шарқий Туркистон орқали шарқда, то Хитойгача борганлар.

Маҳаллий тижоратчилар ўлкаларининг тараққиёти йўлида бевосита хизмат қилиб, унинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиб боришига катта ҳисса қўшганлар.

Суғдиёнани шартли равишда икки вилоятга бўлиш мумкин:

1)Зарафшон воҳасининг ўрта ва юқори қисмлари — Самарқанд вилояти, манбаларда Самарқанд Суғди дейилган. 2) Шу дарёнинг қуйи (Кармана ва ундан кейинги) оқимлари — Бухоро вилояти (ёки Бухоро воҳаси), Нурота ҳам шунинг таркибида бўлган. Албатта, бу шартли бўлиниш.

Суғдиёнанинг марказий шаҳри Самарқанд бўлиб, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган эди. Манбаларда қайд этилишича шаҳар бир неча даҳаларга ва маҳаллаларга бўлинган. Самарқанд ўз даврининг кўп нуфузли шаҳарларидан ҳисобланган. X асрда унда тахминан 100—110 минг киши яшаган. Самарқанд шаҳрининг IX—X асрларда Мовароуннаҳр тарихига, иқтисодий ва маданий тараққиётига қўшган ҳиссаси араб географларининг асарларида ва илмий тадқиқотларида керакли даражада ёритилган.

Самарқанд шаҳрининг атрофларида ва умуман вилоят ичида экин экиладиган обод ерлар, мевали боғ-роғлар, канал ва ариқлар ҳамда қишлоқлар, кўрғонлар жуда кўп бўлган. Қишлоқларнинг аксарий кўпчилиги канал ва ариқ бўйлаб жойлашган эди. «Сўғдда канал бўйларида жойлашмаган, экин экилмайдиган, деҳқончилик билан шуғулланилмайдиган, аҳоли зич яшамайдиган, улуғзор қасрлари ва мустаҳкам обод қишлоқлари бўлмаган биронта ҳам канал йуқ», деб ёзади Ибн Ҳавқал¹⁷.

В.В.Бартольд йирик тадқиқотларидан бирида Сомоний ва Якут асарларида қайд этилган Зарафшон воҳасида мавжуд 223 та қишлоқ номларини келтиради. Шулардан 101 таси Самарқанд вилоятида бўлган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, араб географлари фақат йирик қишлоқларни (асосан қайси қишлоқда жоме мачит ва бозор бўлган бўлса) тилга олганлар. Вилоятда аҳолининг тигиз яшаши ҳисобга олинса, Сирдарёнинг ўрта

¹⁷ Аҳмадали Асқаров. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”.Т., “Университет”, 2007, 165-бет

оқимида яна юздан ортиқ кичик (50—100 киши) яшайдиган кичик қишлоқлар ҳам бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли бўлмаса керак.

Зарафшон воҳасининг қуйи оқимларидаги шаҳарлар ичида энг йириги ва нуфузлиси IX—X асрларда Бухоро шаҳри эди.

Бухорода «бир корхона бор эди; унда палослар, зарпардалар, ёзги кийимлар, ёстик жилдлари, фундукий (жигарранг — Қ Ш.) жойномозлар ва уст кийимларни халифа учун тўқир эдилар: битта зарпардага (бутун) Бухоро хирожи сарф бўларди. Боғдоддан ҳар йили алоҳида бир омил (амалдор, солик йигувчи — Қ Ш.) келиб Бухоро хирожининг эвазига шу кийимлардан олиб кетар эди, деб ёзган эди Наршахий. Хунармандларнинг ишини юқори баҳолаб, тарихчи қуйидагиларни баён этади: «Бухоро шаҳрида шундай ишга тайин қилинган усталар бўлар эдилар; вилоятлардан савдогарлар келиб, одамлар зандоначини (Зандоначи қишлоқда тўқиладиган мато — Қ Ш.) олиб кетганларидек, у кийимлардан Шом ва Мисрга, Рум шаҳарларига олиб кетар эдилар. Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрида бундай (мат) тўқий олмас эдилар».

Бухоро IX—X асрлардаги работ (қишлоқларни) ўз ичига олиб бирмунча кенгайган, аҳолиси сони кўпайган. Шу асрлардаги Бухорони тилга олиб Истахрий уни (Бухорони) Мовароуннаҳр ва Хуросонда энг кўп аҳоли яшайдиган шаҳар, деб таърифлайди. Афсуски, аҳоли сонини аниқ белгилаб берадиган бошқа аниқ маълумотларга эга эмасмиз. О.Г.Большаковнинг тахминий ҳисобига кўра, Бухорода X асрда 40—50 минг киши бўлган. Унинг атрофларида ва работларида яна 48 минг киши яшаган. Демак, Бухоро ва унинг атрофларида яшовчи аҳоли сони 100 минг кишига яқинлашган¹⁸.

Сомонийлар даврида кўплаб йирик хунармандчилик марказлари мавжуд бўлган. Жумладан, Бухоронинг Зандона ва Искижкат қишлоқларида тўқилган бўз матолар, Самарқанднинг Вадори қишлоғида яратилган мато буюмлар Эрон, Ироқ ва Ҳиндистондан ташқари жойларга ҳам олиб кетилган ва машҳур бўлган. Бухородан четга қўй териси, ёғ, соч мойи, майин

¹⁸ Баҳодир Эшов. «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи». Т., «Маърифат», 2009,

газламалар, жойнамоz гиламлар, гиламлар, меҳмонхоналарга ёзиладиган матолар, эгарлар, Табористондан матолар, гўшт ва қовунлар, ҳар хил шойилар, рўмоллар, узангилар, сувлуқлар, қайишлар, қозонлар, ёнғоқлар, Жиззахдан жун газламалар ва кийимлар, Шошдан аъло сифатли чарм ва чарм маҳсулотлари, ўқдонлар, эгарлар, чодирлар, чакмонлар, намоз гиламчалар, елкапуштлар, камонлар, игналар, бўз, ғалла ва қайчилар чиқарилган.

Араб географлари Элоқ вилоятини Шош билан Фарғона оралиғида жойлашганлигини қайд этадилар. Элоқ X асрда кумуш—қўрғошин казиб чиқаришнинг марказларидан бири бўлган. Элоқда Мовароуннаҳрнинг учинчи кумуш зарбхонаси очилган. Бири Самарқандда, яна бошқаси Бухорода бўлган. Элоқ чекани — «Шош кони» деб ўша даврда шуҳрат топган. Ўз вақтида Хуросон ноибн Маъмун ибн Хорун ар-Рашид номидан зарб қилинган кумуш дирҳамларнинг бирида «Шош конида» 189-ҳижрий йилида (805-йил) зарб қилинди», яна бошқа бирида эса «190-(805-806) йилда» деган сўзлар бор¹⁹.

Элоқдаги кумуш конининг нечоғли катта аҳамиятга молик эканлигини тасаввур қилиш учун эътиборни шунга қаратмоқ жоиздир, ўша вақтларда кумушни муомалада жуда кўп ишлатган Шарқий Европанинг ўзида биронта ҳам кумуш, қўрғошин кони бўлмаган. Шарқий Европадаги давлатларда муомалада асосан сомонийлар зарб этган тангалар бўлган.

¹⁹ Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. “Ватан тарихи”. 1-қисм. Т., “Шарқ”, 2010, 322-бет.

2.2. Сомонийлар даврида давлат бошқаруви ва ер эгалиги тизими

Исмоил Сомоний бир қанча ислохотлар ўтказди. Мана шундай ислохотлардан бири давлатни бошқариш маъмуриятини жорий қилиш бўлди. Бу ислохотга биноан давлатни идора қилиш саройи ва 10 та девон (ҳарбий-фуқаро маҳкамалари) ташкил этилди. Исмоил Сомоний давлатнинг мажмуини ташкил этишда сосонийлар Эрон ва Араб халифалигида қабул қилинган тажрибалардан фойдаланди ва уни замон талабига қараб мукаммаллаштирди.

Сомонийлар ўз давлатларини ўзларигача бўлган Шарқ давлатларининг бошқарув анъаналарини чуқур ўрганган ҳолда, уларга суяниб, замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиб бошқаришга ҳаракат қилдилар.

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Муҳаммад Жайхунӣ ва Абуфазл Муҳаммад Баламӣлар каби зодгонларнинг нуфузи ва давлат бошқарувидаги хизматлари катта бўлган. Умуман, сомонийлар ҳукмдорлиги даврида вазирлик мансабига асосан шу икки сулола вакилларидан тайинланган. Давлат мажмуини даргоҳ ва девонларга бўлиниши маълум даражада расмий бўлган. Чунки саройнинг нуфузли кишилари кўп ҳолларда девонларнинг ишларига аралшиб турганлар. Саройда сиёсий ҳокимият **«соҳиби хорас»** қўли остида бўлган. Соҳиби хорас Амирнинг фармонлари бажарилишини назорат қилган. Саройда шарбатдорлар, дастурхончилар, таштадорлар, отбоқарлар, хўжалик беклари каби турли хизматчилар бўлган. Саройдаги ҳамма хўжалик ишларини **«вакил»** бошқарган. Вакил саройдаги эътиборли кишилардан бири ҳисобланган. Наршахийнинг ёзишича, Наср II Сомоний ҳукмронлиги даврида ўн девонга Бухоро Регистонида ўнта маҳсус бино қурилган.

Девонлар орасида вазир ёки **"хўжайи бузург"** девони алоҳида ўрин тутган. Бу девонга бошқа ҳамма девонлар бўйсунган. У ҳамма маъмурий, сиёсий ва хўжалик маҳкамаларини назорат қилган.

Давлатни идора этишда **«муस्ताуфӣ девон»** ҳам муҳим аҳамиятга эга

бўлган. Бу девон давлатнинг бутун молия ишларини бошқарган ва назорат қилган. Девон хазинадор томонидан бошқарилган.

«Девон Амид-ал-мулк» ёки «ал-расаил» давлат аҳамиятига молик бўлган расмий ҳужжатларни тузиш билан шуғулланган. Бундан ташқари бу девон чет давлатлар билан бўладиган муносабатларни ҳам бошқарган. «Соҳиб аш-шурат» девони давлатнинг бутун ҳарбий ишларини, шу жумладан амирнинг шахсий қўшинини бошқарган. «Соҳиб аш-шурат»нинг махсус ёрдамчиси - ариз бўлган. У маҳкама ва унинг бошлиғи амир қўшини хазинаси билан шуғулланган. Қўшинларга бир йилда тўрт марта маош тўланган. Давлатни идора этишда «соҳиб ал-борид» девонининг аҳамияти ҳам жуда катта бўлган. Бу девон давлат аҳамиятига молик бўлган ҳужжатларни ва ҳабарларни етказиш билан шуғулланган. Девоннинг ҳамма шаҳар ва вилоятларда маҳаллий маҳкамалари бўлган.

«Мухтасиба» девони бозорларни, сотувчиларни, қадокбошларнинг оғирлиги, бозордаги молларнинг нархини, сифатини назорат қилган. Давлат хазинасининг даромадларини ва ҳаражатларини «мушриф» девони назорат қилган. Бундан ташқари «қози аз-зиё» ва «вақф» девонлари бўлган. «Қози аз-зиё» девони давлат ерларини, «вақф» девони ҳадя этилган ерларни ва мусулмон руҳонийларининг бошқа мол-мулкларини назорат қилишган. Девонларнинг айтарли ҳаммасининг вилоятларда бошқармалари бўлган. Девонларнинг вилоятлардаги бошқармалари бир томондан ўз девонларига, иккинчи томондан вилоят ҳокимига бўйсунтирилган. Бундан фақат «соҳиб ал-борид» девонининг амалдорлари мустасно бўлган²⁰.

Вилоят ва туманлар амир томонидан тайинланган ҳокимлар томонидан идора қилинган. Одатда бундай лавозимга маҳаллий бой зодагонлар тавсия этилган. Сомонийлар давлатида мусулмон руҳонийларнинг таъсири ниҳоятда кучли бўлган. Улар марказий ҳокимият ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Сомонийлар давлатининг диний ҳаётида ханафийлар мазҳаблигига мансуб руҳонийлар ҳамма диний лавозимларни ўз қўлларига олишган.

²⁰ Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 198-бет

Рухонийларнинг бошлиғи «устод», кейинчалик «Шайх ул-ислом», деб аталган. «Устод»дан сўнг ўз лавозими бўйича рухонийлар орасида «хатиб» турган. У жомеъ масжидларида жума намозида хутба ўқиш ҳуқуқига эга бўлган.

Сомонийлар ҳокимияти йирик ер эгалари ҳамда мулкдор савдогарларнинг манфаатини ҳимоя қилгани туфайли мамлакатдаги мавжуд ер ва сувнинг катта қисми давлатга ва зодагон табақаларга тегишли бўлган. Айни вақтда ердан фойдаланиш ва унга эгалик қилишнинг бошқа турлари ҳам мавжуд эди. Давлат тасарруфидаги ерлар «мулки султоний», ҳукмрон сулола вакиллари, зодагон дехкон ва аслзодаларнинг тасарруфидаги йирик ҳамда меҳнаткаш қишлоқ аҳолисига тегишли майда хусусий ерлар «мулк ерлари» деб аталарди. Масжид, мадраса, хонақоҳ ва мақбараларга вақтинча ёки муддатсиз фойдаланиш учун берилган ерлар «вақф ерлари» дейилган. Барча турдаги ердан фойдаланувчилар давлатга ҳосилнинг 1/3 хажмида хирож тўлар эди. Олий мартабали рухоний ва саидларга қарашли ерлар («мулки хос») давлат солиқларидан қисман ёки тамомила озод этилган. Бундай имтиёзга эга бўлган мулкдорлар давлатга ҳосилнинг 1/10 ҳисобида (баъзан пул билан) «ушр» солиғини тўлар эди. Шунингдек, ҳукмрон сулола ҳамда олий табақа вакилларига давлат олдидаги хизматлари эвазига ҳадя қилинган мулклар (вилоят, туман ёки айрим шаҳар ва қишлоқлар) «икто» ёки «тума ерлар», унга эга бўлган мулкдорлар «муқто» ёки «иктодор» деб юритиларди. Икто тарзида эса айрим вилоят, воҳа, рустоқ (туман) ёки шаҳарлар ҳадя этилган. Икто, даставвал, асосан, сулола аъзолари — амирзодалар ва айрим мансабдорларга инъом этилган. Икто мулклари аввалда маълум муддатда берилиб наслдан-наслга ўтказилмаган. Иктодорлар иктоларидан тўшадиган даромадни ёки унинг маълум қисминигина йиғиб олиш ҳуқуқига эга бўлганлар, ҳолос. Бутун бир вилоят икто қилиб берилган ноиб - вазирга баъзан ўз номида чақа пул зарб этиш ҳуқуқи ҳам берилар эди. Бу кўпинча марказий ҳокимиятни кучсизлантириб, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари кучайишига олиб келар эди.

Қишлоқ жамоалари тасарруфида ҳам маълум миқдорда «жамоа ерлари» бўлиб, бундай ерлар кўпинча лалмикор ҳамда коризлар воситасида суғориладиган сувга танқис тоғ олди минтақаларида жойлашган эди.

Майда хусусий ҳамда жамоа ерларидан ташқари барча мулкларда меҳнаткаш қишлоқ аҳолиси кадивар ёки ёлланиб коранда бўлиб ишлар эди. Корандалар IX-X асрларда «шерик» ёки «барзикор» деб аталарди. Бу даврда катта ер эгалари ўз ерларини барзикорларга ижарага беришни афзал кўрардилар. Ижарачиларнинг асосий қисми кам ерли ёки ерсиз деҳқонлар эди. Агар барзикор ўз уруғлиги ва қўши билан деҳқончилик қилса, ҳосилнинг $\frac{1}{3}$ — $\frac{1}{5}$ миқдорида ҳисса олар, уруғлик ва қўш ер эгаси ҳисобидан бўлса ҳосилнинг $\frac{1}{10}$ ёки $\frac{1}{12}$ улушига эга бўларди. Давлат солиқлари (хирож ва ушр) ер эгасидан ҳам, корандадан ҳам алоҳида-алоҳида шу улушлар ҳисобидан олинар эди²¹.

Деҳқонлар зиммасига суғориш тармоқларини мунтазам лойқадан тозалаш, канал қазиш, тўғон ўрнатиш, кўприк қуриш, сув омбори барпо этиш каби оғир ишлар ҳам юкланган эди. Бўлардан ташқари меҳнаткаш омма масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва карвонсаройлар каби қурилишларда, шаҳар ва қалъаларнинг мудофаа деворларини таъмирлаш, янгидан қуриш ва йўл тузатишда текинга ишлаб беришга мажбур эди. Аҳоли, айниқса, Сомонийларнинг ҳарбий юришлари, ҳукмрон сулоланинг ички низолари, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари билан боғлиқ ўзаро қурашларидан безор бўлган эди. Бундай ички сиёсий вазият оқибатда мамлакатни иқтисодий тангликка олиб келди. Бундай оғир аҳволдан чиқиш учун 942 йилда аҳолидан икки марта солиқ ўндириб олинади. Сиёсий вазият, айниқса, Нух ибн Наср (943-954) ва унинг набираси Нух ибн Мансур (976—997) ҳукмронликлари даврида ниҳоятда кескинлашди. Кетма-кет такрорланган исёнлар марказий ҳокимиятни заифлаштирди. Бу даврда Еттисув вилоятида ташкил топган Қорахонийлар давлатининг Мовароуннаҳрга қилган ҳужумидан 999 йилда Сомонийлар ҳокимияти

²¹ Аҳмадали Асқаров. «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи».Т., «Университет», 2007, 185-бет

бутунлай барҳам топди.

Сомонийлар даврида кучли ва мустақил давлатнинг пайдо бўлиши деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг тараққиёти ўз навбатида ички ва ташқи савдони янада узвийлашувига ва тараққиётига олиб келди. Аввало, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги савдо кенгайди. Иккинчи томондан шаҳар ва қишлоқларнинг қўшни кўчманчи халқлар ва бошқа давлатлар билан алоқаси ривожланди.

Хусусий шахсларга тегишли мулк ҳукмдор табақа хонадони, деҳқонзодагонларга, саййидлар, сипоҳсолор, бадавлат савдогарларга тегишли мулклар ҳисобланган. Шартли ер эгалиги ҳам бўлган.

Вақф мулклари, диний муассасалар ва мадрасаларга тегишли мулк. Бу мулкни муассаса мутаваллиси бошқарган. Жамоа мулки: яйлов, тоғ ёнбағирларидаги лалми ерлар.

Хирож ҳажми шариат ва давлат қонунлари асосида белгиланган. Сомонийларнинг биргина Бухоро ва Кармана вилоятлари хирожидан тушган даромади 116866 дирҳамни ташкил қилган.

Сомонийлар даврида ерлар қайтадан тақсим қилинди. Ер эгаларининг янги гуруҳи ташкил топди. Уларнинг кўпи сипоҳийлардан чиққан эди. Масалан, Алптегиннинг Хуросонда ва Мовароуннаҳрда 500 кишилари бўлиб, бирор шаҳар йуқ эдики, унда унинг қасри ё боғи, ёхуд карвонсаройи бўлмаса. Унинг тасаруффида минглаб отлар ва чорва моллари бўлган.

Сомонийлар даврида қудратли марказлашган давлатнинг вужудга келиши натижасида Мовароуннаҳр ва Хуросонда маълум барқарорлик қарор топди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Мовароуннаҳр ва Хуросон бу вақтда Шарқнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкаларидан ҳисобланган²².

Хуросон ва айниқса, Мовароуннаҳр деҳқончилик ўлкалари қаторига кирган. Бу ерларда деҳқончилик асосан сунъий суғоришга асосланган.

²² Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. “Ватан тарихи”. 1-қисм. Т., “Шарқ”, 2010, 299-бет.

Кўплаб сой ва дарёлардан чиқарилган катта-кичик каналлар мавжуд бўлган. Бухоро воҳасида Шопуркон, Шохруд, Кармана, Пойканд, Самарқанд воҳасида Барж (Дарғом), Бўзмадисой, Иштихон каби каналлар шаҳар ва қишлоқларни сув билан таъминлаган. Бундан ташқари, бундай каналлар Хоразм, Қашқадарё, Фарғона ва Шошда ҳам бўлган. Манбаларга қараганда Шош аҳолиси халифа Мутасимга (833-842) мурожаат қилиб воҳада сув етишмаслиги туфайли канал қурилишига ёрдам сўраган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдан ташқари лалмикор деҳқончилик ҳам яхши йўлга қўйилган²³.

Далаларда буғдойнинг турли навлари, арпа ва бошқа бошоқли экинлар экилган. Қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришга алоҳида аҳамият берилган. Пахта, айникса, Зарафшон, Қашқадарё ва Марв воҳасида кўп экилган. Боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Боғларда олма, шафтоли, нок беҳи, анор, анжир каби турли мевалар етиштирилган. Узум етиштириш яхши йўлга қўйилган. Айникса, Самарқанд, Марв, Ҳиротда етиштирилган узумлар жуда қадрланган. Умуман Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг мевалари ўзининг турли навлари ва юқори сифатлилиги билан бутун Шарқда донг таратган. Жуда кўп қуруқ мевалар Европанинг турли шаҳарларига жўнатилган.

²³ Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 198-бет

2.3.Сомонийлар давлатининг хорижий давлатлар билан ташқи сиёсати ва савдо алоқалари

Сомонийлар сулоласи ҳукмдорлиги даврида Мовароуннаҳрда хўжалик тараққиёти фақат Ўрта Осиёнинггина эмас, балки Олд Осиёнинг ҳам етук ҳудудларидан бири ҳисобланарди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ўтроқ деҳқончилик ҳудудлари билан кўчманчи қабилалар ўртасидаги маҳсулот айирбошлашнинг кучайиб бориши, қарвон савдосининг ўсиши ўлканинг қишлоқ хўжалигини, қон ишлари ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши омили бўлади. Мовароуннаҳр иқтисоди мусулмон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллар эди.

Мовароуннаҳр ва Хоразмда боғдорчилик, полизчилик тараққий этган, мева-чева етиштирилган. Шафтоли, ўрик, қон, олма, анор, анжир, узум, олча, олмаўри, қовун-тарвуз, қуллас, деярли ҳамма мева турлари бўлган.

Ички ва ташқи савдонинг авж олиши билан чақа ва тангаларнинг муомалада бўлиши ҳам жадаллашди. Ички бозорлар мис чақа — қалс, қалқаро савдода қумуш танга - қирқам ишлатиларди. Қалс эҳтиёжга қараб баъзи вилоят ҳоқимлари ва қатто айрим мулкдор зодагонлар томонидан қам қиқариларди. Қумуш тангалар фақат ҳукмдор номидан Қарв, Самарқанд, Бухоро ва Шошда давлат зарбқоналарида сўқилар эди. Сомонийлар «исмоилий», «мусайяби», «муҳаммадий» ва «ғитрифий» қабил қумуш қирқамлар қиқарган. Сомонийларнинг қумуш қирқамлари Русия ва Болтиқ бўйи мамлакатларидан қўплаб топилган.

Мовароуннаҳр деб аталадиган бу ҳудудда мустақил давлатларнинг ташқил топиши уларда сиёсий барқарорлик иқтисодий ривожланиш ва маданият ҳаётнинг рақнақига қатта таъсир қўрсата бошлади.

Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Қарв қабил шаҳарлар илм-фан ва маданият марказлари сифатида шаклланиб ривожлана бошлади. Ўрта Осиёда IX-XIII асрларда Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоқлар давлатлари ҳукм сурдилар. Бу давлатлар қалқаро майдонда ўз маққеи ва ўтган ўрни жиҳатидан қатта эътибор за нуфузга эга бўлдилар. Аҳмад Наср,

Исмоил Сомоний, Алптакин, Махмуд Ғазнавий, Тўғрулбек Султон Санжар, Отсиз, Такаш сингари тадбиркор ва узоқни кўра оладиган давлат арбоблари даврида Ўрта Осиёда ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалишга эришилди, давлат ҳокимияти мустаҳкамланди, нисбатан тинчлик, осойишталик ва барқарорлик вужудга келди.

Тарихчи Абу Мансур ас-Сомонийнинг сомонийлар Бухоросига берган таърифи бутун Ўрта Осиё давлатларининг IX-XIII асрлардаги аҳволига тегишлидир: «... шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари битилган (жой) эди». Ўрта Осиё ҳукмдорлари илм аҳли билан яқинлашдилар. Мамлакатни бошқаришда уларнинг билими ва маслаҳатларидан фойдаландилар. Ҳукмдорларнинг аксарияти бу даврда ўз саройларида олим, шоир ва уста санъаткорлар, турли соҳалар бўйича кимматбаҳо китобларни тўплашга одатландилар. Саройга жалб этилган олим ва шоирлар, кутубхоналардаги нодир кўлёзма асарлар билан мағрурланардилар²⁴.

Сомонийлар даврида деҳқончилик билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳам кенг суръатлар билан тарқалган. Шаҳар аҳолисининг кўп қисми ҳунармандчиликнинг турли соҳалари билан машхур бўлишган. Манбаларда қайд қилинишича, Мовароуннаҳрда, айниқса тўқимачилик яхши тараққий қилган. Бу ерларда ипак ва жундан тайёрланган турли-туман газламалар ўзининг юқори сифатлилиги, бежирим ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Бухоронинг Зандана, Самарқанддаги Вадор ва Сурхондарёдаги Дарзанги тўқимачиларининг маҳсулотлари фақатгина Мовароуннаҳр ва Хуросондагина эмас, балки Ироқ Эрон ва Ҳиндистонларда ҳам маълум бўлган. Хусусан, Наршахийнинг ёзишича, Занданада тайёрланган газламаларга Шарқ бозорида эҳтиёж жуда катта бўлган.

²⁴ Р.Ҳ.Муртазаева. “Ўзбекистон тарихи”. Т., “ЎАЖБНТ”, 2003, 390-бет.

Сомонийлар даврида Мовароуннахрда «Буюк ипак йўли» орқали борадиган карвон савдоси катта аҳамият касб этди. Карвон савдоси Ўрта Осиё орқали Жануби-шарқий Европа мамлакатларини Шарқ мамлакатлари, аввало Мўғулистон ва Хитой билан боғлаб турар эди. Олд Осиё давлатларини Мўғулистон ва Хитой билан боғлайдиган йўл энг гавжум ва серкатнов карвон йўли бўлган. Бу йўл Боғдоддан бошланиб, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул (Чоржўй), Бухоро, Самарқанд, Шош, Тароз (Жамбул), Кулон (Луговая бекати), Марки, Болосоғун, Суёб, Иссиқкўлнинг жанубий қирғоғи орқали ўтиб, Шарқий Туркистон орқали Хитойга борар эди.

Ўрта Осиёдан Европага олиб борадиган йўлнинг аҳамияти жуда катта бўлган. Лекин ўша даврда Ҳазар подшолиги билан Халифат ва булғорларнинг муносабатлари яхши бўлмаганлиги туфайли карвонлар Кавказ ва Ҳазарлар худуди орқали бориш имкониятидан маҳрум бўлганлар. Йўл энди Ўрта Осиё орқали Марв, Бухоро, Қиёт, Урганч, Замжан, Эмба, Ёйиқ (Ўрол), Самара, Кинел, Черемшан дарёларидан ўтиб, сўнг Булғорияга борган. Хоразмнинг ўзига келганда у Ҳазар подшолиги билан турли соҳаларда савдо ва маданий алоқалар ўрнатган. Бу даврда савдо-сотиқ ишларида кўпроқ чеклар қўлланилган²⁵. Чекларни кўрсатиш орқали мўлжалдаги жойдан чекка тўланган миқдордаги пулни олиш мумкин эди. Савдо асосан айирбошлаш йўли билан олиб борилган, пул эса ҳисоб-китоб бирлиги вазифасини ўйнаган, ҳолос. Карвонлар ўтадиган шаҳар ва қишлоқларда карвонсаройлар қурилган. Карвонсаройларда савдогарлар, уларнинг хизматкорлари, от-уловлари учун барча шарт-шароитлар бўларди. Зарур ҳолларда карвонсаройларнинг ўзида кўтара савдолар қилинарди. Одамлар бу ерга савдо қилиш учун келиб, бошқа шаҳарлар ва мамлакатлардаги товар молларнинг қийматларини ҳам билиб олар эдилар. Карвонлар бир неча ўндан бир неча мингга қадар от ва туялардан иборат бўлган. Уларни кўриқлаб боровчи махсус қуролли соқчилари бўларди. Ҳар бир карвонда тилмочлар олиб юрилган. У пайтда карвонларга фақат савдо уюшмаси деб қарамаганлар. Карвон таркибида

²⁵ Аҳмадали Асқаров. «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи».Т., «Университет», 2007, 189-бет

савдогарлардан ташқари ҳунармандлар, олимлар, рассомлар, санъаткорлар, усталар, сайёҳлар ва элчилар ҳам бўларди. Савдо карвонларига, одатда, элчилик топшириқлари ҳам бериларди.

Жумладан, 922-йилда халифа Муқтадор булғор подшосига юборилган карвон бутун бошли бир элчихона эди деса бўлади. Карвонда мирзалик-котиблик вазифасини бажарган Аҳмад ибн Фадланнинг ёзиб қолдирган хотираларига қараганда бу карвон савдогарчилик ишларидан ташқари яна элчилик, ҳарбий ва диний вазифаларни ҳам адо этган.

Савдо карвонлари «Буюк ипак йўли» орқали Хитойдан ипак ва ипак матолари, кимхоб ва шойи, олтин ва кумуш аралаштирилиб тўкилган зарбоф матоларни Мовароуннаҳрга олиб келганлар. Ўрта Осиёдан Хитойга эса шиша-ойналар, отлар олиб бориб сотганлар.

Шарқий Европа билан олиб борилган савдода Хоразм муҳим ўринни эгаллаган. IX-X асрдаги карвон савдоси Хоразм билан икки йирик савдо маркази — ҳазарлар ва булғорлар ўртасида олиб борилган. Бу даврда иккита савдо маркази Волга бўйида шуҳрат қозонган. Бу — Итил билан Булғор бўлган. Итил шаҳри икки қисмдан иборат эди. Шаҳарнинг ғарбий қисми Итил, шарқий қисми эса Ҳазорон деб аталган ва у савдо маркази бўлган. Ҳазорон аҳолисининг кўпчилик қисмини хоразмликлар ташкил қилган. Ибн Ҳавқалнинг таъкидлашича, мусулмонлар шаҳри бўлган Ҳазоронда 30 та мачит бўлган. Маъсудий эса Ҳазорон хоқонининг қўшинлари асосан хоразмликлардан бўлганлигини ёзади. Ибн Ҳавқал хоқон қўшинлари таркибида 12 минг хоразмлик бўлганлигига алоҳида эътибор беради.

Волга бўйининг Ўрта Осиё ва хусусан Хоразм билан савдосида булғорлар ҳам катта ўрин тутган. Шарқий Европага Ўрта Осиёдан зарб этилган дирҳамлар, шоли, ип газлама, жун ва бошқа матолар олиб келганлар. Хоразмга эса Шарқий Европада ҳар хил терилар, мўйналар, тери ошлашда ишлатиладиган пўстлоқ, қорамол, асал, қуллар ва бандилар олиб келинган.

Бу даврда деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривож топиши билан ички ва ташқи савдо ҳам кенгайди. Ғарбий Осиёни Муғулистон ва Хитой

билан туташтирган қадимги карвон йўли орқали олиб борилган ташқи савдо алоқалари ривожланди. Боғдод шаҳридан бошланган катта карвон йўли Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул, Бухоро, Самарқанд, Шош, Тароз, Кулон, Марки, Болосоғун, Суёб, Иссиққўлнинг жанубий соҳили орқали ўтиб, Шарқий Туркистонга ва ундан Хитойга кириб борар эди. Бу йўлнинг Фарғона орқали ўтган жанубий Ўғузлар юрти ёки Дашти Қипчоқ орқали Жанубий Сибирга йуналган, ҳамда Хоразм орқали Итил дарёси бўйлаб Ҳазар ва Булғор давлатларига элтадиган шимоли-ғарбий тармоқлари айниқса серкатнов бўлган. Карвон йўлларида работлар бино қилиниб, карвонсаройлар қурилган.

Х асрда ташқи савдо муомаласида саррофлик чекларидан кенг фойдаланилган. Ўша вақтда савдогарлар ўзи билан кўп миқдорда пул олиб юрмас эди. Ўз пулини у шаҳарнинг тегишли саррофларидан бирига топшириб, ундан тегишли ҳужжат - чек оларди. Мўлжалланган шаҳарга бориши билан ўша чекни саррофга бериб, унда кўрсатилган миқдордаги пулни тўлалигича қайтариб олиши мумкин эди.

Карвон йўлининг шимолий тармоғи Дашти Қипчоқ аҳолисини деҳқончилик маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмлари билан таъмин этарди. Сибирдан қимматбаҳо мўйналар, кўчманчилар юртидан асосан чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари келтирилар эди.

Фарғона, Ўш ва Ўзган орқали Қашқарга ва ундан ички Хитой вилоятларига рангдор шиша буюмлар, сирланган нақшинкор сопол идишлар, кийим-кечак, эгар-жабдуқ, мева ва йилқи, шунингдек зеб-зийнат ва қурол-яроғлар олиб борилар эди. Хитойдан, асосан, ипак, шойи, кимхоб ва чинни идишлар олиб келинарни. Мовароуннаҳр бозорлари орқали Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига ипак, ип ва шойи, кумуш, тери, жун, кигиз, турли хил мўйна, туя, қорамол, қўй, қуруқ мева олиб чиқилар эди.

Ҳазар ва Булғорга Мовароуннаҳр ва Хоразмдан гуруч, қуруқ мева (ёнгоқ майиз, ўрик ва ҳоказо), канакунжут мойи, ширинликлар, тузланган балиқ, бўза, мушканбар, пахта толаси, ип ва шойи матолар, мовут, кимхоб,

гилам ва чойшаблар, кулф, камон, қайиқ ва кумуш тангалар, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Ироқ ва бошқа мамлакатлардан келтирилган моллар чиқарила эди.

Булғор ва Ҳазардан қимматбаҳо мўйналар, шунингдек, мум, шам, камон ўқи, октерак ёғочи ва қайин пўстлоқлари, чўкки қалпоқлар, балик елими ва тишлари, булғори чарм қалқонлар, славян элати (қавми)га мансуб куллар, овчи қушлар (қарчиғай), асал, қўй ва қорамол олиб келинар эди. Ташқи савдо муомаласида Тоҳирийлар ва Сомонийларнинг кумуш дирҳамларидан кенг фойдаланилар эди²⁶.

Дамашк, Қоҳира, Бағдод, Куфа, Басра ва бошқа шулар сингари катта шаҳарларда Ўрта Осиёдан бориб фан, маданият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган авлод-аждодаларимиз бу даврга келиб қўпая борди. Бағдод шаҳри Шарқнинг илм-фан маркази сифатида оламга танилди, чунки IX асрда бу ерда «Байт ул-ҳикма» - («Донишмандлар уйи») Шарқнинг фанлар академияси ташкил этилди. Бунга монанд ҳолда X аср келтирилган ва ундан кейин бошқа ўлкаларга тарқалган. Ички ва ташқи савдода айрим кичик шаҳарларнинг ҳам ўрни катта бўлган. Бу борада Пойканд шаҳри муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда ёзилишича, бу шаҳарда сомонийлардан олдин ҳам савдогарлар Хоразм, Каспий бўйидаги ўлкалар ва Хитой билан олди-сотди ишлари олиб боришган. Шаҳар ҳокимлари савдогарлар учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилганлар. Шаҳарда ўнлаб карвон саройлар мавжуд бўлган, улар бозорга яқин жойларда жойлашган.

Бозорларда сотиладиган моллар аввало маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Хунармандлар ўз молларини сотиб озиқ-овкат молларини ҳарид қилишган, ўз навбатида деҳқонлар хунармандчилик молларини ҳарид қилишган. IX-X асрларда Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқ катта аҳамиятга эга эди. Бу борада кўчманчилар билан чегарадош бўлган шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган. Кўчманчилар шаҳарларга келиб деҳқончилик ва хунармандчилик маҳсулотларини ҳарид

²⁶ Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. “Ватан тарихи”. 1-қисм. Т., “Шарқ”, 2010, 300-бет.

килганлар, тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини сотганлар.

Ўрта Осиёлик савдогарлар ўз молларини араб халифалиги таркибига кирган давлатларга, Кавказга, Ҳазар ва Булғорияга, Хитой ва Ҳиндистонга олиб бориб сотганлар. Ўрта Осиёдан Хитой билан Ўрта Ер денгизини бирлаштирувчи ва Жануби-Шарқий Европага олиб борувчи карвон йўллари ўтган. Айниқса, Ўрта Ер денгизи билан боғловчи карвон йўли анча гавжум бўлган. Бу йўл Боғдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул, Бухоро, Насаф, Кеш, Самарқанд, Уструшона, Шош, Болосоғун орқали Хитойга олиб борган. Хитойга Ўрта Осиёдан отлар ва шиша буюмлар олиб борилган. Хитойдан эса турли-туман ипак газламалар келтирилган. Ҳазар, Булғор ва Русь ерларига Ўрта Осиёдан куруқ мевалар, турли-туман газламалар, гуруч ва кумуш чиқарилган. Ўз навбатида Жануби-Шарқий Европадан Ўрта Осиёга мўйна, мис, тери, қорамоллар келтирилган. Жануби-Шарқий Европа билан бўлган савдо алоқаларида хоразмлик савдогарларнинг ўрни катта бўлган.

Ибн Ҳавқал ва Муқаддасийнинг қайд этишича, Вадорда тайёрланган юқори сифатли газламалар аҳолининг юқори табақалари орасида жуда қадрланган. Бу газламалардан асосан амирлар, вазирлар, турли амалдорлар, қозилар ўзларига либослар тиктирганлар. Вадор газламаси ҳатто Хуросон парчаси ҳам деб аталган. Газламаларнинг турли навлари бундан ташқари Кешда, Насафда, Дабусияда ва кўпгина бошқа шаҳарларда ҳам тайёрланган.

Кулолчилик ҳам сомонийлар даврида ўз тараққиётининг энг юқори босқичларига кўтарилган. Кулолчилик чархининг янада мукаммалланиши натижасида идишларни безашда сирлардан фойдаланишнинг кашф этилиши, бу борада катта ютуқ бўлди. Натижада идишларнинг турлари ҳам, шакллари ҳам кўпайди. Уларнинг сифати кескин даражада ошди. Идишлар турли рангдаги сирлар билан безатила бошланди. Манбаларда қайд қилинишича, айниқса, Самарқанд, Бишкет ва Марв кулоллари тайёрлаган идишлар ўзининг бежирим шакли, юқори сифати, ажойиб ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Эпиграфик нақш билан безатилган турли-туман идишлар айниқса, диққатга моликдир. Шу даврга оид шаҳарларда олиб борилган

археологик изланишларга қараганда, кулоллар шаҳарларда маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар.²⁷

Бу даврда шишасозлик ҳам кенг ривожланган. Ўрта Осиё шишасозлари турли шаклдаги катта-кичик шиша идишларни тайёрлаганлар. Идишлар асосан кўкимтир рангдаги шишалардан тайёрланган. Уларнинг маълум қисми нақшлар билан безатилган. Шишасозларнинг устахоналари Нисо, Марв, Термиз, Пойканд каби шаҳарларда очиб ўрганилган. Ўрта Осиё шишасозларининг маҳсулотига бошқа ўлкалардан эҳтиёж катта бўлган.

Сомонийлар даврида металлургия соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилган. Ёзма манбалар ва олиб борилган археологик қазилар ишларга қараганда бу даврда кон саноати тараққиётида катта ўзгаришлар бўй берган. Бу даврда Бадахшонда қумуш, олтин, биллур, ложувард каби қимматбаҳо металл ва тошлар қазиб олиш давом этган. Уструшонанинг Минк туманида катта миқдорда темир рудаси, Буттамда олтин, қумуш, мис ва бошқа металллар, Тузкон кўлида туз, Фарғонадаги Нокад деган жойдан олтин, қумуш, Исфара яқинида тошқўмир қазиб олинган. Фарғонада нефт ҳам борлиги ёзма манбаларда қайд қилинган.

Ўрта Осиёда сомонийлар даврида қоғоз ишлаб чиқариш ҳам яхши ривожланган. Қоғоз ишлаб чиқариш бўйича энг йирик марказ Самарқанд бўлиб, ундаги қоғозларнинг маҳсулоти фақат Ўрта Осиё ёки Шарқда эмас, балки Европада ҳам машҳур бўлган. Самарқанд қоғозининг олти нави манбаларда қайд қилинган.

Юқорида қайд қилинган ҳунармандчилик турларидан ташқари сомонийлар даврида Ўрта Осиёда тоштарошлик, заргарлик, дурадгорлик каби соҳалар анча ривож топган.

²⁷ Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 255-бет

**III-Боб: “Сомонийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсати”
мавзусининг ўқитилиши ва дарснинг янги педагогик технологияда
олиб борилиши**

3.1.Мавзунинг 1-соатлик дарс ишланмаси.

**Биз янги педагогик технологияга таянган ҳолда ушбу ўқув
дастурини ишлаб чиқдик:**

Фан: Ўзбекистон тарихи.

Дарс мавзуси: Сомонийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсати

А) Таълимий мақсад: Ўқувчиларга Сомонийлар давлати ҳақида
маълумот бериш.

Б) Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини
жаҳон талабларига мос ҳолда шакллантириш.

В) Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда мантиқий
фикрлаш, тарихий шакллантириш
кўникмаларини ўстириш.

Дарснинг жиҳози: Сомонийлар давлатининг ҳаритаси. Сомонийлар
давлати ҳақида қўшимча адабиётлар,
ўқувчиларнинг Сомонийлар давлатига оид чизган
ҳариталари, дарслик, китоб.

Дарснинг режаси: 1. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш.

2. Сомонийлар давлати ҳақида маълумот

3. Янги мавзунини мустаҳкамлаш.

4. Ақлий хужум.

5. Интерфаоллик.

6. Айсберг усули.

7. Рағбатлантириш.

Дарснинг хронологик харитаси:

<i>№</i>	<i>Керакли жиҳозлар</i>	<i>Вақти</i>	<i>Дарснинг кечиши ва йуналиши</i>
1.	Жиҳозланиши, доска.	2-дақиқа	1.Ташкилий қисм. а)ўқувчиларнинг билдиришномаси асосида дарсга тайёргарлигини текшириш.
2.	Доска.	3-дақиқа	2.Ўқитувчи кириш сўзида мавзунинг номини айтади ва мавзу мақсадини тушунтиради.
3.	Кичик кўргазмалар	35-дақиқа	3.Ўқувчиларнинг билимини назорат қилишда қўлланиладиган усуллар. а) ақлий ҳужум. б) интерфаоллик в) айсберг усули г) рағбатлантириш
4.	Дарслик китоб.	5-дақиқа.	4. Дарсга якун яшаш. Уйга вазифа: Сомонийлар давлати ҳақида қўшимча маълумотлар тўплаш.

Дарснинг бориши:

Ўқитувчи: Ташкилий қисм.

а) Саломлашиш.

б) Тозаликка эътибор бериш.

в) Дарсга тайёргарлигини текшириш.

г) Давоматни аниқлаш.

д) Ўтилган мавзуни умумлаштириш.

Янги мавзу баёни:

Сомонийлар давлатига Сомон қишлоғи (Балх яқинида, баъзи манбаларда эса, Термиз яқинида) оқсоқоли Сомонхудодиннинг авлодлари асос солган. Халифа Маъмунга бўлган садоқатлари эвазига 819-820 йилларда Сомонхудодиннинг набиралари Нух Самарқандга, Аҳмад Фарғонага, Яҳё Шош ва Уструшонага, Илёс Ҳиротга ҳоким этиб тайинландилар.

839-840 йилларда Нух ибн Асад Исфижоб вилоятини босиб олди ва уни мустаҳкамлади. У Суғднинг бир қисми ва Фарғонага ҳоким бўлиб олди. Лекин Сомонийлар давлатини бунёд этишда Аҳмаднинг ҳиссаси кўпроқ бўлди. Унинг Наср, Яъқуб, Яҳё, Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Ҳомид исмли ўғиллари бор эди. Нух ибн Асад 842 йили вафот этгач, Самарқандни укалари Аҳмад ва Яҳё бошқарди, кейин ҳокимлик Наср (865-892) қўлига ўтди. 859-йилда Яҳё ибн Асад вафот этгач, Шош ва Уструшона Аҳмаднинг иккинчи ўғли Яъқубга насиб этди. Кейин ташаббус Исмоил ибн Аҳмад қўлига ўтди. Бухорода Тоҳирийлар мавқеи суст эди. 874 йилда Ҳусайн ибн Тоҳир Хоразм шаҳарларини талаётган бир пайтда Бухоро зодагонлари илтимоси билан Наср Бухорога Исмоил ибн Аҳмад (849-892) ни ҳоким қилиб жўнатади.

Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Ақлий ҳужум:

1. Мовароуннаҳрда Сомонийлар давлатининг ташкил топиши учун қандай шарт-шароитлар пайдо бўлди.
2. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши ва давлат бошқарувидаги ислохотлар.
3. Сомонийлар даврида ер эгалиги ва иқтисодий ҳаёт.
4. Сомонийлар даврида ислом дини ва маданий ҳаёт.
5. Сомонийлар давлатинининг парчаланиб кетиши сабабларини аниқланг.

Интерфаоллик:

Ўқитувчи: Ўқувчилар дарсимизни ноанъанавий усулда давом эттираминиз. (Шундай деб ўқитувчи биринчи қатордаги ўқувчиларни **"Қораловчи"** гуруҳ, иккинчи қатордаги ўқувчиларни **"Оқловчи"** гуруҳларга ажратиб ҳар иккала гуруҳда биттадан фаол ўқувчини дарсни

кузатиб боровчи **"Эксперт"** лар деб белгилагач, ўзи ўқувчилар қаторига ўтиради. Бир ўқувчи Сомонийлар давлати тўғрисида тушунчаларини сўзлаб беради. Бу ўқувчига **"Қораловчи"** гуруҳ томонидан саволлар ёғилади, **"Оқловчи"** гуруҳ бу ўқувчини ҳимоя қилиб боради ва ниҳоят **"Эксперт"** лар иккала гуруҳнинг дарсга фаоллигини ҳолисона баҳолаб беради).

Ўқитувчи: Мана дарсимиз қизиқарли давом этмоқда, энди уни янада қизиқарли ўтказиш мақсадида **"Айсберг"** усулидан фойдаланамиз. Фараз қилайлик биз Шимолий муз океанида саёҳат қилиб юрибмиз. Бирданига олдимиздан **"Айсберг"** (музқоя) чиқиб қолди. Хуш, нима қилиш керак?

1-чи ўқувчи: "Айсберг"ни айланиб ўтамиз.

2-чи ўқувчи: "Айсберг"ни парчалаб юборамиз.

3-чи ўқувчи: "Айсберг"ни эритиб юборамиз.

4-чи ўқувчи: Орқага қайтиб кетамиз.

Ўқитувчи: Энди яна дарсга қайтайлик. Ўша биз айтган Айсбергнинг ўрнига Сомонийлар давлати мавзусини кўриб қўяйлик. Бу мавзуни, биринчи ўқувчи айтганидек ўрганмасдан айланиб ўтиб кетамизми? иккинчи ўқувчи айтганидек парчалаб юборамизми? учинчи ўқувчи айтганидек эритиб юборамизми? ёки тўртинчи ўқувчининг фикри буйича бу мавзуни ўрганмасдан орқага қайтиб кетган маъқулми?

Ўқувчилар: янги мавзуни "Айсберг" сингари эритиб, урганиб олганимиз маъқул.

Рағбатлантириш: (Ўқитувчи дарс сўнгида фаол иштирок этган ўқувчиларни "5" баҳо билан баҳолаб, уларга ташаккурнома билдиради. Уларни яхши ўқишга чорлайди).

Уйга вазифа:

Сомонийлар давлатининг ташкил топиши тўғрисида қўшимча маълумотлар тўплаб, дарсга тайёргарлик кўриш.

Биз бу мавзуни ўқувчиларга ўргатишда янги педагогик технологиянинг ушбу услубини ўқувчилар ёшига эътибор берган ҳолатда содда ва қулай усулда қўллашни тавсия этамиз.

Хулоса

Сомонийлар Мовароуннахр ва Хуросонда мустақил давлат тузиш учун авваламбор, кучли марказлашган ҳокимият тузиш кераклигини яхши тушунишган. Бу айниқса Исмоил Сомоний даврида куннинг долзарб масаласига айланган эди. Йирик ер эгаси бўлган Исмоил биринчи навбатда маҳаллий зодагонлар ва савдогарларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутди. Давлатнинг иқтисодий куч қудратини ошириш, қишлоқ хўжалигини, ҳунармандчиликни ва савдони ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим эди. Шу мақсадда Исмоил катта ва яхши қуролланган, сараланган қуролли кучларни ташкил қилишга киришди. У айниқса, турк ғуломларидан иборат қисмларни тузишга катта эътибор берди. Натижада Сомонийлар давлати тез орада мусулмон Шарқидаги марказлашган кучли давлатга айланди. Мамлакатнинг қудратини мустаҳкамлаш мақсадида Исмоил Сомоний бир қанча ислохотлар ўтказди. Мана шундай ислохотлардан бири давлатни бошқариш маъмуриятини жорий қилиш бўлди. Бу маъмурият даргоҳ - амир саройи ва девон -давлат идораси, вазирликлардан иборат бўлган.

Давлатни бошқарувчи олий ҳукмдор амир унвонига эга эди. Исмоил Сомоний ўз даврида марказлашган давлат бошқаруви тизимини жорий этган эди. Сомонийлар давлати мажмуини мустаҳкамлашда Нух II Сомонийнинг маърифатли вазирлари Абуабдулло Муҳаммад Жайхоний ва Абуфазл Муҳаммад Баламийларнинг хизматлари катта бўлган. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида бош вазир лавозимига асосан шу икки сулола вакиллари тайинланган. Давлат мажмуи даргоҳ (амир саройи) ва девонга (вазирликлар, давлат идораси) бўлинган²⁸.

Саройда сиёсий ҳокимият соҳиби хорас қўл остида бўлиб, у олий ҳукмдор фармонлари ижросини назорат қилган. Даргоҳ ҳамда бошқа муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш хизматини бош ҳожиб

²⁸ Р.Ҳ.Муртазаева. “Ўзбекистон тарихи”. Т., “ЎАЖБНТ”, 2003, 395-бет.

ва унинг ходимлари олиб борган. Саройда шарбатдорлар, дастурхончилар, таштадорлар, от боқарлар, хўжалик бекалари каби турли хизматчилар бўлган. Саройдаги барча хўжалик ишларини вакил бошқарган. Вакил саройдаги энг эътиборли кишилардан бири ҳисобланган. Наршахийнинг маълумот беришича, Наср II Сомоний даврида Бухоро регистонида давлатдаги 10 та девонга атаб маҳсус 10 та бино қурилган. Давлатда қуйидаги девонлар фаолият кўрсатган: Девони вазир (бош вазир девони). Бу девонга қолган барча девонлар бўйсунган. Бош вазир девони барча маъмурий, сиёсий, хўжалик ва ҳарбий маҳкамаларни назорат қилган.

Девони мустауфи (молиявий ишлар девони). Бу девон давлатнинг барча молиявий ишларини бажарган ва назорат қилган. Девон хазинадор томонидан бошқарилиб, унинг ихтиёрида ҳисобчилар, мунший ва котиблар, дафтардорлар бўлган.

Девони амид ал-мулк ёки ал-расаил (расмий ҳужжатлар девони). Бу девон давлат аҳамиятига молик бўлган барча ҳужжатларни тузиш ва ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Шунингдек, бу девон чет давлатлар билан бўлган дипломатик муносабатларни ҳам назорат қилган.

Девони соҳиб-аш-шурот (ҳарбий ишлар девони). Бу девон давлатнинг бутун ҳарбий ишларини назорат қилган, жумладан, амирнинг шахсий қўшинини (гвардиясини) бошқарган. Ушбу девонбошининг маҳсус ёрдамчиси - ариз бўлган. У маҳкама ва унинг бошлиғи амир қўшини хазинаси билан шуғулланган. Қўшинга бир йилда тўрт марта маош тўланган. Бу девон ҳарбий интизомни таъминлаб турган.

Девони соҳиб ал-борид (хат-хабарлар назоратчиси девони). Ушбу девон марказда қабул қилинган муҳим қарорлар, ҳужжатлар, хабарномаларни вилоят ва шаҳарларга етказиш билан шуғулланган. Бу девоннинг вилоятлардаги бошлиғи фақат марказга бўйсунган. Бу девон ходимлари вилоят ва шаҳарларда бўлиб турадиган, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеаларни марказга етказиб турган. Шунингдек бу девон давлат элчилари, вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари устидан махфий

назорат ўтказган.

Девони мухтасиб (бозорлар ва кўчалар, шариат қонун қоидаларига риоя қилишни назорат қилувчи девон). Бу девон хизматчилари қиладиган асосий иш шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартиб-интизомни, тош-тарозини назорат қилганлар. Аҳоли томонидан шариат қонун-қоидаларига риоя қилишнинг назорати ҳам шу девон зиммасида бўлган. Ушбу девонбоши ўз мирғазаб (ходим) лари билан барча шаҳарларда фаолият кўрсатган.

Девони мамлакаи хос (давлат иш бошқарувчиси девони). Бу девон сарой таъминоти билан боғлиқ сарф-ҳаражатларни назорат қилган. Муҳим давлат ишлари ва айниқса, хазина қирим-чиқимини назорат қилиш ҳам шу девон зиммасида бўлган.

Девони вақф (вақф ерлари девони). Мачитлар, мадрасалар, умуман диний муассасалар ихтиёрида бўлган ер-сув, мол-мулк кабиларни бошқарган.

Девони қози аз-зиё (қозилик ишлари девони). Бу девонни давлатнинг бош қозиси бошқарган. Девон барча вилоятлар ва шаҳарлардаги қозилар фаолиятини назорат қилиб турган²⁹.

Юқорида санаб ўтилган девонларнинг барчаси (соҳиб ал-борид девонидан бошқа) маҳаллий ҳокимлар ва олий марказий ҳокимиятга бўйсунган. Таъкидлаш лозимки, Сомонийлар даврида маҳаллий бошқарув тизими ҳам самарали фаолият юритган. Вилоятлар бошқарувчилари - **ҳоким**, шаҳарлар бошқарувчилари эса - **раис** деб юритилган. Вилоятлар ҳокимлари кўп ҳолларда ҳукмрон сулола вакилларида ва катта таъсирга эга бўлган йирик зодагонлардан тайинланган.

Сомонийлар даврида амалдорларни давлат хизматига қабул қилишда маълум бир талаблар: давлат тили ҳисобланган араб тилини мукаммал билиш, исломий ҳуқуқ-фиқҳ меъёрларидан тўлиқ хабардорлик, тарих, адабиёт каби илмлардан боҳабарлик, ҳисоб-китоб ишларида билимдонлик ва бошқалар мавжуд бўлиб, бу марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви

²⁹ Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 200-бет

самарадорлигини оширишга хизмат қиларди. Давлат бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорларнинг мавқелари ниҳоятда катта эди. Шунингдек, Хасрада мусулмон руҳонийлари ҳам катта обрўга эга эдилар. Мовароуннаҳрда асосан ислом динининг ханафийлик мазҳаби тарқалган бўлиб, диндорлар бошлиғи **устод** (кейинчалик шайх-ул-ислом) Сомонийлар давлатида катта мавқега эга бўлган.

Сомонийлар давлатида суд ишлари шариат қонун-қоидаларига асосланган бўлиб, улар қозилик девони томонидан бошқарилган. Суд жараёнидаги ишлар қозикалон, қозилар, муфти, раислар томонидан амалга оширилган. Вилоят ва шаҳар қозилари қозикалонга бўйсунган.

Давлатда ҳар бир вилоятлар ва шаҳарлар ҳукмдорлари кўнгиллиларидан иборат қўшин сақлаган. Кўнгиллилар одатда озод ва бой деҳқонларнинг ўғилларидан иборат бўлган. Кўнгиллилар ҳарбий ҳолат вужудга келган вақтда албатта йиғилган. Улар вилоят ва давлат даромади ҳисобига сақланган. Давлат ҳудудлари вилоят қўшинлари ва ғозийларнинг қисмлари билан қўриқланган.

Иқтисодий ва маданий ҳаёт. Сомонийлар даврида кучли ва мустақил давлатнинг пайдо бўлиши деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг тараққиёти ўз навбатида ички ва ташқи савдони янада ўзвийлашувига ва тараққиётига олиб келди. Аввало, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги савдо кенгайди. Иккинчи томонидан, шаҳар ва қишлоқларни қўшни кўчманчи халқлар ва бошқа давлатлар билан алоқаси ривожланди.

Ёзма манбаларда кайд қилинишича, бозорлар катта-кичик шаҳарларда ва ҳатто қишлоқларда бўлган. Айниқса карвон йўллари бўйида жойлашган шаҳарларда бир нечтадан бозорлар бўлган. Бухоро, Хўжанд, Насаф, Кеш, Термиз, Ҳирот, Марв, Нишопур шаҳарларидаги бозорлар катта ва гавжум бўлган. Истахрийнинг маълумот беришича, Самарқандда Мовароуннаҳрнинг бош бозори жойлашган бўлиб, бу ерга кўпгина шаҳарлардан савдогарлар келган. Мовароуннаҳрда тайёрланган маҳсулотларнинг катта қисми Самарқандга келтирилган ва ундан кейин бошқа ўлкаларга таркатилган.

Ички ва ташки савдода айрим кичик шаҳарларнинг ҳам ўрни катта бўлган. Бу борада Пойканд шаҳри муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда қайд этилишича, бу шаҳарда Сомонийлардан олдин ҳам савдогарлар Хоразм, Каспий буйидаги ўлкалар ва Хитой билан олди-сотди ишлари олиб боришган. Шаҳар раислари савдогарлар учун барча шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилганлар. Шаҳарда ўнлаб карвонсаройлар мавжуд бўлган, улар бозорга яқин жойда жойлашган. Савдо расталари карвонсаройнинг ўзида ҳам бўлган. Карвонсаройлар йўлларда ҳам қурилган. Бозорларда сотиладиган маҳсулотлар аввало, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Хунармандлар ўз молларини сотиб, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилганлар, ўз навбатида хунармандчилик маҳсулотларига деҳқонларнинг талаби катта бўлган. IX-X асрларда Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқ катта аҳамиятга эга эди. Бу борада кўчманчилар билан чегарадош бўлган шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган. Кўчманчилар шаҳарларга келиб деҳқончилик ва хунармандчилик маҳсулотларини харид қилганлар, тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини сотганлар.

Ўрта Осиёлик савдогарлар ўз молларини араб халифалиги таркибига кирган давлатларга, Кавказга, Ҳазар ва Булғорияга, Хитой ва Ҳиндистонга олиб бориб сотганлар. Ўрта Осиёдан Хитой билан Ўрта Ер денгизини бирлаштирувчи ва Жануби-Шарқий Европага олиб борувчи карвон йўллари ўтган. Айниқса, Ўрта ер денгизи билан боғловчи карвон йўли анча гавжум бўлган. Бу йўл Боғдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул, Бухоро, Насаф, Кеш, Самарқанд, Уструшона, Чоч, Болосоғун орқали Хитойга олиб борган. Хитойга Ўрта Осиёдан отлар ва шиша буюмлар олиб борилган. Хитойдан эса турли-туман ипак газламалар келтирилган. Ҳазар, Булгор ва Рус ерларига Ўрта Осиёдан қуруқ мевалар, турли-туман газламалар, гуруч ва қумуш чиқарилган. Ўз навбатида Жануби-Шарқий Европадан Ўрта Осиёга мўйна, мис, тери, қорамоллар келтирилган. Жануби-Шарқий Европа билан бўлган савдо алоқаларида хоразмлик савдогарларнинг ўрни катта бўлган.

IX-X асрларда маданий ҳаёт ҳам ўзининг юқори даражасига кўтарилди. Аввало, меъморчилик санъати ва қурилиш услублари ривожланди. Турар-жойлар, йирик бинолар, амирлар саройлари ҳам хом ғишдан қурила бошланди. Маъмурий бинолар, йирик бойлар ва амалдорларнинг уйлари устунлар ва ўйма нақшлар билан безатилган. Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилик санъатининг юқори тараққиётидан ёрқин далолат берувчи ёдгорлик бу Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасидир. Мақбара ўта оддийлик ва маҳобатли шаклга хос бўлиб у 892-943 йиллар орасида қурилган ва ўзининг бағоят чиройли қилиб ишланган ташқи кўриниши билан ажралиб туради. Ушбу мақбара ўрта асрлар меъморчилик санъатининг ноёб дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Сомонийлар даври меъморчилигининг яна бир ноёб дурдонаси Каттакўрғондан 60 км жанубдаги Тим қишлоғида жойлашган Араб ота мақбарасидир. Бу мақбара Исмоил Сомоний мақбараси билан ўхшашлик топади. Бу ўхшашлик мақбаранинг умумий кўринишида, иншоотнинг тузилишида, умумий безатилишида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Араб ота мақбараси мисолида Сомонийлар давридаги меъморчилик тараққиёти ва ривожланиш йўлларини кўрамиз. Сомонийлар даври меъморчилигининг нодир намуналарини шунингдек, Карки (Туркменистон) яқинидаги Аламбардор, Узун (Сурхондарё) яқинидаги Хўжа Нахшрон, Карманадаги Мир Сайид Баҳром мақбараларида ҳам учратиш мумкин³⁰.

IX-X аср меъморчилигининг ривожланиш йўлларининг сақланиб қолганлигини кўплаб масжидлар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Бу даврга оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда Бухородаги Мағоки Атторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шахристондаги Чилдухтарон масжидларини қайд қилиш мумкин. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиёда диний меъморчиликнинг ривожланиш йўлларини кузатиш имконини беради.

Наршахийнинг маълумот беришича, амир Наср ибн Аҳмад Бухоро

³⁰ Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. “Ватан тарихи”. 1-қисм. Т., “Шарқ”, 2010, 296-бет.

регистонида ўзи учун катта сарой қурдирган ва унинг қурилишида катта маблағ сарфлаган. Бу сарой ғоятда гўзал бўлган. Саройнинг олдида эса девонлар учун бинолар қурилган. Амир ва ҳокимлар саройи Нишопур, Марв, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бу саройлар ўзларининг катталиги ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Кўп ҳолларда бундай саройлар хушманзара жойларда, боғлар ичида бунёд этилган. Ўрта Осиё халқларининг асрлар давомида эришган маданий ютуқлари ва билимлари IX-X асрларда яшаган ва ижод қилган олимларга катта илмий пойдевор вазифасини ўтади. Агарда бу илмий пойдевор юқори даражада бўлмаганда эди, Сомонийлар давридаги илмий тараққиёт ҳақида гапириш қийин бўлар эди. Бухоро, Марв, Самарқанд, Нишопур, Балх, Бинкент, Кеш, Насаф, Термез, Хўжанд, Урганч каби шаҳарлар бу давр ичида йирик маданият ва фан марказларига айландилар. Сомонийлар ўз давлатлари ҳудудида жойлашган ўлкалардан чиққан замонасининг етук маърифий ва фан соҳибларини Бухорога таклиф этдилар. Улар амир саройларида ўтказиладиган илмий мунозаралар ва адабиёт учрашувларига таклиф қилиниб турдилар. Ўз билимларини янада чуқурлаштириш мақсадида амир кутубхоналарида сақланадиган кўлёмаларни ўргандилар.

Сомонийлар даврида Ўрта Осиёнинг қўшни давлатлар ва халқлар билан маданий ва савдо алоқлари янада кенгайди ва узвийлашди. Мовароуннаҳр ва Хуросонлик олимлар - Абдулло Рудакий, Абумансур Дақикий, Абулқосим Фирдавсий, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абўлаббос ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Наршахий кабилар ўзларининг буюк ихтиролари ва тадқиқотлари билан нафақат ўз ўлкаларидагина эмас, балки бутун машриғу мағрибда машҳур бўлдилар³¹. Эътиборли томони шундаки, бу олимлар қомусий билимлар соҳиблари бўлишган. Улар фаннинг турли соҳаларида ижод этиб, дунё маданияти ва фанининг ривожланишига ўзларининг салмоқли

³¹ Р.Ҳ.Муртазаева. “Ўзбекистон тарихи”. Т., “ЎАЖБНТ”, 2003, 395-бет.

ҳиссаларини қўшдилар. Улар ихтиро этган кашфиётлар фақатгина уларнинг номларига боқийлик бахш этмай, балки бутун халқимизнинг обрў-эътиборини дунёга таратди. Бу даврга оид моддий топилмалар, меъморий ёдгорликлар халқимизнинг юксак маданиятидан, нозик дидидан, чуқур билимидан ва ижодий парвозидан гувоҳлик бериб келмоқда.

Хуллас, ўлкамизда сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган асрлар воқеа ва ҳодисаларга бой, жўшқин ҳаёт мавж урган давр бўлиб, давлатчилигимиз тараққиётида муҳим бир босқичдир. Чунки худди ана шу даврдан эътиборан араб босқинчиларига қарши эрк ва озодлик учун кураш олиб борган ўлкамиз халқлари ўзларининг марказлашган мустақил давлатларига асос солдилар ва бу давлатлар халқаро майдонда ўз муносиб ўринларига эга бўлдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т., “Маънавият”, 2008, 173-бет.
- 2.Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т., “Шарқ”, 1998.
- 3.Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби мукаддас”. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 176-бет.
- 4.А.Мухаммаджонов. “Ўзбекистон тарихи”. Т., Ғ.Ғулом, 2004, 318-бет.
- 5.А.Мухаммаджонов. “Ўзбекистон тарихи”. Дарслик. 6-синф. Т., “Ўқитувчи”, 1994, 320-бет.
- 6.Аҳмадали Асқаров. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”.Т., “Университет”, 2007, 339-бет.
- 7.Баҳодир Эшов. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи”. Т., “Маърифат”, 2009, 268-бет.
- 8.Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 462-бет.
- 9.Наршахий. “Бухоро тарихи”. Т., “Камалак”, 1991, 335-бет.
- 10.Р.Ҳ.Муртазаева. “Ўзбекистон тарихи”. Т., “ЎАЖБНТ”, 2003, 675-бет.
- 11.Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. “Ватан тарихи”. 1-қисм. Т., “Шарқ”, 2010, 511-бет.
- 12.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-том. Т., Давлат илмий нашриёти. 2004, 703-бет.
- 13.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-том. Т., Давлат илмий нашриёти. 2006, 707-бет.
- 14.Г.А.Хидоятлов. “Менин жонажон тарихим”. Т., “Ўқитувчи”, 1992, 303-бет.
- 15.А.Мухаммаджонов. “Ўзбекистон тарихи”. Дарслик. 7-синф. Т., “А.Қодирий номидаги халқ мероси”, 2004, 287-бет.